Ўзбекистон овози

Кундалик ижтимоий-сиёсий рўзнома

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 200 (21. 067) 1991 йил 15 октябрь, сешанба • Йилига 256 марта чиқади. • Баҳоси 8 тийин.

ҲИММАТИ БАЛАНД ПАХТАКОРЛАРГА ТАСАННО!

БУХОРО: РЕЖА БАЖАРИЛДИ

Бухоро вилояти пахтакорлари республикада биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик режасини бажардилар. Улар катта хирмонга 450 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» топширдилар. Йиғиб-териб олинган ҳосилнинг деярли 95 фоизи юқори навлар билан сотилди. Ҳар гектар ердан ўртача 29 центнер хом ашё олинди. Кўп жиҳатдан техникадан самарали фойдаланиш туфайли ана шу муваффақиятга эришилди. Вилоят далаларида ҳар кунн 2500 та пахта териш машинаси ишлади. Бу машиналар билан 157 минг тонна пахта териб олинди.

И. САФАРОВ,
(ЎзТАГ мухбири).

Уйчи районидаги Улуғбек номли жамоа хўжалиги аъзолари пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар.

СУРАТДА: хўжалик бош агрономи Маҳмуджон Юнусов, механик ҳайдовчи Адашали Ҳамдамов ва Собиржон Азизовлар терим суръатини янада ошириш ҳақида маслаҳатлашиб олмоқдалар.

П. АКБАРОВ олган сурат.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Ульянов районидаги «III Интернационал» давлат хўжалиги чорвадорлари йиллик гўшт тайёрлаш режасини муддатидан илгари ошириб адо этдилар. Қабул пунктига 150 тонна ўрнига 152 тонна бўрдоқи гўшти топширилди. Гўштга топширилган ҳар бош қорамолнинг ўртача тирик вазни 449 килограммга тўғри келмоқда.

Давлат хўжалигининг Р. Халқаев мудирлик қилаётган бўрдоқичилик фермасида келгуси йили гўштга топшириш учун 80 та буқа бўрдоқига боқилмоқда. Молларга етарли миқдорда ширали озуқа жамғарилганлиги қўл келаётир. Гўштга боқилаётган бўрдоқи моллар маҳсулдорлиги кун сайин ошаётир.

Шунингдек хўжаликда бошқа соҳалар бўйича белгиланган режалар ҳам ошириб ўринлатилди. Жумладан, деҳқонлар давлатга режадаги 460 тонна ўрнига 560 тонна сабзавот ва 400 тонна ўрнига 440 тонна полиз маҳсулотлари етказиб бердилар.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИДА

10 октябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг мажлиси бўлди. Унда Олий Кенгаш фаолиятини янада такомиллаштиришга тааллуқли бир қанча масалалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари еттинчи сессияси якунлари, унда билдирилган танқидий фикр ва мулоҳазалар ҳар томонлама муҳокама қилинди, билдирилган фикр ва мулоҳазаларнинг тасдиқланган рўйхати аниқ чора-тадбирлар кўриш учун тегишли республика ижроия органларига, Олий Кенгаш комитетлари ва комиссияларига юборилди. Олий Кенгаш котибиятига зарур чора-тадбирлар кўриш таклиф этилди. Раёсатда сессия иши тугаганидан сўнг Республика Президенти билан бўлган учрашув натижаларидан кўпгина халқ депутатлари қониқиш ҳосил қилганликлари таъкидланди.

Раёсат Олий Кенгаш томонидан сайлаш, тайинлаш ёки тасдиқлаш учун тавсия этиладиган номзодларни Раёсатга, комитетларга ва комиссияларга тақдим этиш ва уларни кўриб чиқиш тартибини муҳокама қилди ва билдирилган мулоҳазаларни ҳисобга олиб, қарор қабул этди.

Қонун лойиҳаларини тайёрлаш чоғида жамоатчилик фикрини янада тўлароқ ҳисобга олиш, қонунларни тайёрлаш ишида депутатларнинг кенг иштирокини таъминлаш мақсадида «Ўзбекистан Республикаси қонун ҳужжатларини тайёрлаш, муҳокама қилиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилишни ташкил этиш қоидалари»ни кўриб чиқди ва қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот, иқтисодий ислоҳот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш, фахрийлар ва ногиронлар ишлари, ёшлар сиёсати комитетлари раисларининг ахбороти юзасидан Раёсат «Халқ сўзи» — «Народное слово» газетасида «Иш билан таъминлаш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида ижара тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси ногиронларининг ижтимоий ҳимояланиши тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси давлат ёшлар сиёсати асослари тўғрисида»ги, «Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилди. Комитетларга улар ишлари режасига мувофиқ бошқа қонун лойиҳаларини, шу жумладан «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида фуқаролик тўғрисида»ги, «Фан ва техника тўғрисида»ги, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишни тезлаштириш таклиф этилди.

Жойларда давлат ҳокимиятининг идора қилувчи ва ижроия идораларини мустаҳкамлаш зарурлигини, халқ депутатлари бир қанча вилоят, шаҳар ва район Советларининг ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг янги шароитларида улар тузилишини такомиллаштиришга доир таклифларини эътиборга олиб, Олий Кенгаш Раёсати халқ депутатлари вилоят, шаҳар, район Советлари раёсатлари ва уларнинг ижроия комитетлари фаолиятида мувозийлик ҳамда бирбирининг ишини такрорлашни бартараф этиш зарур деб ҳисоблади.

Вилоятларда, районларда ва шаҳарларда идора қилиш — ижроия ҳокимиятининг ягона идораларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Вилоят, шаҳар ва район Советларига ушбу масалани ўз сессияларида муҳокама қилиш ҳамда Советларнинг бевосита қўл остида бўлган бошқарув тузилмаларида шундан келиб чиқадиган зарур ўзгаришларни кўзда тутиш тавсия этилди.

Халқ депутатлари Қорақалпоғистон республикаси Олий Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Советлари раёсатларига Республика Олий ҳокимият органи ваколатига кирадиган масалаларни умумлаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдаги сессияси муҳокамасига киритиш учун уларни Олий Кенгаш Раёсатига тақдим этиш таклиф этилди.

Олий Кенгаш комитетлари тузилиши ва номини қисман ўзгартириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига амал қилиб ва ушбу янги шароитларда Олий Кенгашнинг илмий-тадқиқотларни ривожлантириш, маданий қурилиш ва тарихий меросни муҳофаза қилишнинг аҳволи, миллатлараро муносабатларни ривожлантириш учун масъулияти тобора ошиб бораётганини эътиборга олиб, Олий Кенгашнинг фан, халқ таълими ва маданий меросни муҳофаза қилиш, миллатлараро муносабатлар, тил ва маданият масалалари комитетлари қайтадан тикланди.

Раёсат Ўзбекистон Республикаси конституциясининг 2-моддасига мувофиқ ва депутатларнинг истакларини эътиборга олиб, аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси қонунларининг бажарилиши устидан назорат қилиш учун депутатлар гуруҳини тузди. Бу гуруҳга фармойиш берувчи ва ижроия идораларининг ўрнини босмай жойларда республиканинг тегишли қонунлари талаблари ва Олий Кенгаш қарорлари бажарилишини таъминлаш учун барча даражалардаги депутатлар фаолиятини фаоллаштириш тавсия этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати мажлисида Ўзбекистон Республикаси Давлат банки бошқаруви таркиби тасдиқланди. Айрим бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

• Мухбиримиз бонг уради

ҚАРОРНИНГ ИЖРОСИ ҚАНИ?

Ҳамза номидаги жамоа хўжалиги Хўжайли районидаги кўп тармоқли улкан хўжаликлардан бири. Баҳор ва ёзнинг биринчи ойидаги табиий офатлар, кетма-кет ёққан сел ёмғирлар, дўллар туфайли икки-уч марталаб чигит экилди. Хўжалик пахтакорлари, механизаторлари шундай қийинчиликларга қарамасдан пешона тери тўкиб қилинган меҳнат эвазига ҳар йилдагидан ҳам мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдилар. Айни шу кунларда жамоа хўжалиги пахтакорлари 1320 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 23 центнердан ҳосил кўтариб, ялпи ҳосилни уч минг тоннага етказишга қарор қилиб ишламоқдалар.

Мана, терим суръати тобора ошиб бормоқда. Дастлабки теримдаёқ кўпчилик оилавий ижарачи звенолар пахта тайёрлаш режаларини бажараётганлиги ҳақида ғалаб рапортларига имзо чекмоқдалар. А. Ўразимбетов бошлиқ бригада пахтакорлари хўжаликда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш режасини ошириб бажардилар. Ё. Сафаров, О. Хўжаниёзов, бошлиқ бригадалар пахтакорлари кунига 5,5 — 6,5 фоиздан пахта топшириб, эрта-индин ғалаба рапортига имзо чекадилар.

Терим суръатини кўтаришда машиналар ёрдами катта бўлмоқда. Теримда 25 та пахта териш машинаси бетиним ишламоқда. Ҳар бир машинадан тўкилаётган пахта 6—7 тоннадан тўғри келмоқда. Жамоа хўжалигида ҳар куни 3,8—4 фоиз миқдорида пахта тайёрланмоқда.

— Ҳозир пахтакорларга, механизаторларга ўз вақтида ойлик иш ҳақлари, терган пахталарига пул бериляптими? — деб сўрадик.

— Теримга ҳақ тўлаш у ёқда турсин, ҳали август ойининг маошини бериб бўлганимиз йўқ, — деди жамоа хўжалиги бош бухгалтери О. Дўсчонов. Район давлат банкасига қатнайвериб оёғимизда оёқ қолмади. Банк раҳбарияти ҳозир пул йўқ, пул бўлса, ўзимиз ҳам шу заҳоти етказиб берамиз, деган қуруқ ваъдадан нарига ўтишмаяпти. Теримдаги ўртоқларни қачонгача ёлғон ваъдалар билан алдайверамиз?

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси қўлда терилган бир килограмм пахта учун 40 тийиндан, машинада терилган бир тонна пахта учун 25 сўмдан ҳақ тўлаш ҳақида қарор чиқарсаю, пахтакорлар, механизаторлар шунга қараб терим суръатини тобора ошириб, марра сари интилишсаю давлат банки раҳбарияти бунга амал қилмаса, хўжалик раҳбари пахтакорларга механизаторларга ва теримда қатнашаётган ўртоқларга қандай жавоб бериши мумкин? Наҳотки шу ҳақда тегишли ташкилотлар раҳбарлари ўйлаб кўришмаса?!

— Пахтакорларга, механизаторларга ҳар ўн кунда терган пахталарига пул бериб боришга қарор қилганмиз, — дейди жамоа хўжалиги раиси О. Абдурахмонов. — Сентябрь ойининг уч ўн кунлигига ведомостлар ёзилган. Пахтакорларга, механизаторларга пул берай десак, пулимиз йўқ. Мана, октябрь ойининг биринчи ўн кунлиги ҳам тугади. Белгиланган муддатларда теримчиларга механизаторларга ҳақ бериб борганимизда эди, терим суръатига яна суръат қўшилган бўлур эди. Банк раҳбарияти биринчи навбатда пахтакорларга бериладиган пулнинг тарқатилишини назорат қилиб бориши керак эмасми?!

Бундай аҳволга фақат Ҳамза номли хўжаликдагина эмас, Хўжайли районидаги барча давлат ва жамоа хўжаликларида дуч келмоқдалар. Ўзбекистон давлат банки раҳбарияти республикамиз Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарорига эътиборсизлик билан қараётганига ҳайрон қоласан, киши?!

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚИШГА ТАЙЁРГАРЛИК—ШУ КУНДАГИ БОШ ВАЗИФА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида

● Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида куз-қиш даврида республика халқ хўжалигининг барқарор ишлашини ва аҳолига озиқ-овқат маҳсулотлари ишончли равишда етказиб берилишини таъминлаш чоралари муҳокама қилинди. Мажлисни Ўзбекистон Республикасининг вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов бошқарди.

Мажлисда ҳар бир қулай кундан мумкин қадар тўла самара билан фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. Республикада куз-қиш даврига тайёргарлик олдиндан бошланди. Катта шаҳарлар ва район марказларида қозонхоналар ремонт қилинди, ўнлаб километр инженерлик иншоотлари алмаштирилди. Ёнилғи заҳираларини ғамлаб қўйиш ишлари тез суръатлар билан олиб борилмоқда. Бироқ, мажлисда таъкидлаб ўтилганидек, совуқ тушгунга қадар республикада кўпгина мураккаб масалаларни ҳал қилишга тўғри келади.

Сўзга чиққан кишилар жойлардаги раҳбарлар ташаббус ва қатъият кўрсатганларида эди, кўп масалаларни олдин ҳал қилиш мумкин бўларди, деб таъкидлашди. Мавжуд муаммолар хўжалик алоқалари бузилганлигининг, мамлакат турли минтақаларидаги маҳсулот етказиб берувчи заводлар асбоб-ускуналар ва қувурлар етказиб беришга доир шартномаларни бажармаётганлигининг ҳам натижасидир. Ўзбекистон металлургия заводида тақчил қувурлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани бу масалада бир қанча вазирликлар ва идоралар учун катта ёрдам бўлди.

Мажлисда Самарқанд вилоят ижроия комитетининг қишга тайёргарлик тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди. Республиканинг аҳоли зич жойлашган ана шу саноат марказида қишга тайёргарлик қониқарсиз бораётгани айтилди. Иссиқлик тармоқларини, қозон агрегатларини ремонт қилиш ва янгилаш суръати жуда суст, иссиқлик манбалари қувватларини ишга туширишга пайсалга солинмоқда. Шаҳарнинг бир қанча районларини ичимлик сув билан узлуксиз таъминлаш масаласи ҳанузгача ҳал қилинмаган. Аҳолининг буюртмаларига кўра, уларга кўмирни марказлаштирилган тартибда етказиб беришни ташкил этмагани учун вилоят матлубот уюшмаси фаолиятига эътирозлар кўп бўлаяпти. Айниқса, соғлиқни сақлаш, халқ таълими муассасаларида, қишлоқ хўжалиги корхоналарида ремонт ва тайёргарлик ишлари чўзилиб кетмоқда.

Бошқа вилоятларда, Қорақалпоғистонда ва Тошкентда ҳам қишга тайёргарлик кўришда ана шундай камчиликлар аниқланди.

Бирқанча вазирликлар ва маҳкамалар, вилоят идоралари раҳбарларининг лоқайдлиги ташвиш туғдирмоқда, улар ёқилғи заҳираларини ғамлаб қўя олмадилар. Худди шу сабабли республика Қишлоқ хўжалик вазирлиги, Давлат сув хўжалиги қурилиши комитети, «Узпишчепром», «Узплодоовошчвинпром», «Узбеклегпром» ва бошқалар танқид қилинди. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой, коммунал хўжалиги вазирлиги тизимида иссиқлик ва сув билан таъминлаш иншоотлари ҳамда бошқа иншоотларни тайёрлашда тиғиз аҳвол юз берди. Мавжуд 3 мингта қозондан фақат 70 таси тўла ремонт қилинди. Иссиқлик тармоқларини ремонт қилишда катта қолоқликка йўл қўйилди. Тегишли вазирликлар ва маҳкамаларга шаҳарлар ва район марказларидаги барча алоҳида қурилган қозонхоналарни қисқа муддатда «Узтеплокоммунэнерго»га топшириш ҳақида кўрсатма берилди. Уй-жой-коммунал хўжалик вазирлигига бу қозонхоналарнинг ишлашини қаттиқ назорат остига олиш топширилди.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида республикадаги барча катта шаҳарларда ягона авария хизмати диспетчерлигини ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб топилди, чунки авария бригадаларининг маҳкамачилик тизими, бу бригадаларнинг қуввати қамлиги уларнинг зиммасига юкланган вазифаларни самарали ҳал этишга имкон бермайди.

Аҳолини кўмир билан таъминлаш тўғрисида жиддий гаплашиб олинди. «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг жамоаси совуқ тушгунга қадар режага қўшимча 140 минг тонна кўмир етказиб бериш, жумладан, 50 минг тонна навли кўмир етказиб бериш мажбуриятини олди. Бундан ташқари республикага қўшимча 360 минг тонна кўмир етказиб бериш тўғрисида Красноярск ўлкаси корхоналари билан келишиб олинди.

Куз-қиш даврида аҳолини озиқ-овқат билан пухта таъминлаш масаласи батафсил кўриб чиқилди. Барча вилоятларда совуқ тушишига жадал тайёргарлик кўрилаётганлиги айтилди. Картошка, сабзавот, полиз маҳсулотлари зарур миқдорда ғамлаб қўйиляпти. Аҳолига талон орқали бериладиган моллар барча турларининг заҳира жамғармаси барпо этилди.

Шунга қарамай, қишга картошка, мева-сабзавот маҳсулотларини ғамлашда ҳал этилмаган муаммолар кўп. Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков бу ҳақда тўпланганларга сўзлаб берди.

Мажлисда фуқароларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан пухта таъминлашга доир масалаларни тезроқ ҳал этиш юзасидан аниқ чоралар белгиланди. Савдо вазирлигига, Ўзбекбирлашувга қабул қилинган дастур амалга оширилишини қаттиқ назорат қилиб бориш ва дастурнинг бажарилишини ҳар ҳафтада кўриб чиқиш топширилди.

Қабул қилинган қарорлар ижросини назорат этиш Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комитетлари зиммасига юкланди. Вазирликлар ва идораларнинг, халқ депутатлари вилоят Советларининг шу йилнинг тўққиз ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир фаолиятини Вазирлар Маҳкамаси мажлисида яна бир бор кўриб чиқишга қарор қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг бошқа муҳим масалалари ҳам кўриб чиқилди. Уларни муҳокама қилишда вилоятларнинг, вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

САБОҚ

— Қишга тайёргарликни бу йил эрта бошладик, — деди Чирчиқ шаҳар газлаштириш идораси бошлиғи Озод Соипов, — Чунки ўтган йилги мавсумда «газ босими паст», «қувур ёрилиб кетди», дея мурожаат қилувчилар кўп бўлиб, тоза тазиримизни егандик. Бу сафар ўша сабоқлардан хулоса чиқардик. Натижада ишларни бир меъёрда олиб боришга муваффақ бўлиняпти.

Дарҳақиқат, Чирчиқ газчилари ғайрат билан ишлаб, қиш мавсумига пухта ҳозирлик кўришяпти. Дастлаб шаҳар газ тармоғи текшириб чиқилди. Бажариладиган ишлар кўлами, қаерда нима тадбир кўрилиши аниқланди. Иш шунга яраша ташкил этилди.

Биз шаҳардаги газ тармоқларини тартибга келтираётган ишчи-мутахассисларнинг бир қанчаси билан учрашдик. Зарур ускуналар етказиб берувчи «ЗИЛ» ҳайдовчиси Жўра Йўлдошев, слесарь Саидаббос Иброимов, пайвандловчи Воид Абкаримов, уста Галина Киося кабилар ҳалол меҳнат қилаётганликларининг шоҳиди бўлдик. Касб маҳоратн бўйича ўтказилган танловда ҳам улар совриндор бўлишди.

Эътиборли жиҳати шундаки, ишни пухта ташкил этиш яхши самаралар бераяпти. Иш сифати, техника назорати, хатарли ҳодиса юз бериши олдини олиш, газ ускуналари ишини текшириб туриш меҳнат унумдорлиги юксалиб боришига ҳам имкониятлар яратиб бермоқда.

Бир сўз билан айтганда, жамоа аъзолари аҳил-иноқ меҳнат қилмоқда. Бу эса иш унумли бўлишини таъминлаяпти. Ҳисоб-китоб қилиб кўрдик. Ўтган саккиз ой режаси 109,2 фоиз адо этилди. Аҳолига 33,2 миллион куб метр табиий газ етказиб берилди. Шаҳар аҳолиси хонадонларини газлаштириш салмоғи 99,2 фоизга етди. Суюлтирилган газдан фойдаланаётган 300 га яқин хонадон ҳам кўп ўтмай умумий тармоқ орқали «зангори олов»дан баҳраманд бўла бошлайди.

Слесарлар З. Турдиалиева, И. Маметова, Н. Новокшановаларнинг таъкидлашича, жамоанн ижтимоий ҳимоя қилишга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда.

— Мана, уч ойдирки, — дейди Зуҳро Турдалиева. — Ойлик маошга қўшимча бериладиган 60 сўм ёрдам пули 100 сўмга кўпайтирилди. Илгари мукофотларни 20 фоиз ҳажмида олган бўлсак, январь ойидан 75 фоиз ҳисобида мукофот тўланяпти. Ҳар куни 2,5 сўмдан овқат пули қўшиб берилмоқда. Яъни, тушлик учун 3,5 сўм овқат пули оляпмиз.

Ишчи-мутахассисларни ижтимоий ҳимоялаш ҳар бир кишида эртанги кунга ишонч уйғотиб, иш самарадорлигини оширишга рағбатлантирмоқда.

Искандар Ҳожи АҲМАР,
Чирчиқ шаҳри.

«Ўзбекистон овози» рўзномасига ёзилдингизми?

УЧРАШУВ

ЕКИ «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» КУНДАЛИК РЎЗНОМАСИДА ИШЧИ-МУҲАНДИСЛАР МАВЗУИНИНГ ЕРИТИЛИШ РЕЖАЛАРИ ҲАҚИДА



Озодликка ташналигимиз таскин топадиган бўлди. Яъни Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат деб эълон қилинди. Лекин бу ҳали ишнинг бошланиши. Эндигина сиёсий мустақилликка эришдик. Сиёсат билан қорин тўймайди, устбошимиз бут бўлмайди. Ҳақиқий озодликка эришиш учун иқтисодий мустақилликни қўлга киритишимиз лозим.

Тўла маънодаги мустақилликни биров бизга келтириб бермайди. Буни ўзимиз — сиз билан биз биргаликда рўёбга чиқаришимиз керак. Чинакам, ҳур, эркин яшаш, фаровон ҳаёт кечириш учун кўнгил тўқлиги, рўзғор тўкислиги, ўлканинг тинч-осойишталиги зарур. Ҳайрият, ўлканинг шерюрак фарзандлари бор экан. Уларнинг ақл-идроки, қаттиқ туриб қилган ғайрат-шижоати туфайли чинакам ҳурликка асос солинди. Сиёсий мустақиллик асосида иқтисодий мустақиллик сари йўл олинди.

Иқтисодий мустақиллик йўли унча олис эмас. Бироқ жуда мураккаб йўл, машақатли манзиллар оша толиқмай йўл босиш, сув келса симириш, тош учраса кемириш талаб этилади. Республикамиз ҳозирги раҳбарияти шитоб билан иш тутишга чорлаб, иқтисодий мустақиллик манзилларини аниқ кўрсатиб беряпти, бунга шукроналар айтиш ўринли. Қўшиқда айтилганидек, «отим ориқ етолмайман-о», деб иккиланганлар ютқазади. Бошқача айтганда, бор имкониятларга таянган ҳолда «ориқ от» билан бўлсада, иқтисодий мустақиллик манзилларида заҳиралардан оқилона фойдаланмасак, атрофга зийрак назар ташлаб — илғор тажрибалардан, чет эл намуналаридан ибрат олмасак, иқтисодий жабҳада илгарилаб бориш қийин кечади.

Бу борада қўшма корхоналар барпо этиш йўли бор. Маҳаллий хом ашё ва ҳунармандчиликка асосланган мўъжаз корхоначалар, митти цехлар, Чет эл ускуналари, маблағини жалб этиш ҳисобига халқ истеъмоли буюмлари, кийим-кечак, бинокорлик материаллари тайёрлаб чиқариш йўли ҳам истиқболли. Хориж билан ҳамкорликда барпо этиладиган бундай корхоналар камида уч жиҳатдан манфаатли. Аввало, халқимиз эҳтиёж сезиб турган маҳсулотларга эга бўламиз. Иккинчидан, ҳунар ўрганишга ташна йигит-қизларимиз янги касблар эгаллайдилар. Учинчидан эса, маҳаллий хом ашёдан зарур тайёр маҳсулотни

(Давоми учинчи бетда).

«Ўзбекистон овози»нинг мустақиллик дорилфунуни

● 1991 йил 31 августда Ўзбекистон халқлари тарихида улкан аҳамиятга молик воқеа рўй берди. Шу куни ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессияси Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги Баёнотни ва Қонунни қабул қилди.

ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОР

ҚЭҒОЗДА эмас, амалда чинакам мустақилликка олиб борган йўл узоқ ва машаққатли бўлди. Биз унга қимларнингдир марҳамати билан эмас, балки бир қатор сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий қайта ўзгаришларни рўёбга чиқариш, пировард натижада эса ўзбек халқининг бир неча авлоди ҳамда жумҳуриятимизда яшаётган бошқа халқларнинг фидокорона меҳнати ваа кураши туфайли эришдик.

Ҳозирги баъзи сиёсатдонлар ёки ўзларини сиёсатчи деб атаётган айрим кимсалар нима дейишларидан қатъи назар, 1917 йил Октябрининг аҳамиятини асло ерга уриб бўлмайди. Чунки, чор Россияси империяси худудида яшовчи халқлар миллий мустақилликка Октябрь инқилоби туфайли эришдилар. Шундан кейинги босқич Ўрта Осиёда миллий—давлат тузилишидан иборат бўлиб, 1924 йилда Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси дунёга келди. У ССР Иттифоқи таркибидан ўрин олди. Ўзбекистон ССР ташкил этилганлиги ҳақида I ўзбек Бутун Советларининг қурултойида қабул қилинган Декларацияда айтилганидек, Ўзбекистон ССР миллий ўз тақдирини ўзи белгилаш мақсадлари йўлида ташкил топди.

Афсуски, бир қатор ташқи ва ички вазиятлар, холис ва нохолис омиллар туфайли миллий ўз тақдирини ўзи белгилаш ғояси тўла ва изчил рўёбга чиқмади. Бошқа республикалар қатори Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт сари, жаҳон цивилизацияси ютуқларини қўлга киритиши учун ҳаракати тоталитар, маъмурий-буйруқбозлик тизими билан кишанлаб қўйилди. Ўзбекистон иқтисодиётни ва ижтимоий соҳани ривожлантиришда муваффақиятларни қўлга киритиш билан бирга айни пайтда бузилган халқ хўжалиги, номутаносиб бюджет, пахта яккаҳокимлиги, ўз ҳолига ташлаб қўйилган соғлиқни сақлаш, экологик фалокат, ечими ҳал этилиши керак бўлган бошқа кўплаб муаммолар гирдобида қолди.

Қайта қуриш, сиёсий тизимини ислоҳ қилиш одамларда катта умид уйғотди, миллий ўз-ўзини англашни юксалтириб юборди. Марказ жумҳуриятларнинг сиёсий ва иқтисодий мустақилликка интилишларини ҳисобга олмасдан иложи йўқ эди. Бироқ у яна ўша анъанавий йўлдан бориб, юқоридан туриб жумҳуриятлар мустақиллигини кенгайтирган ҳолда кўпинча қарорлар қабул қилишда кечикди. Бу йўл боши берк кўчага олиб бориши керак эди. Шундай ҳам бўлди. Давлат тўнтариши юз берди.

Фитначилар Иттифоқ шартномасини барбод қилдилар. Тўққиз жумҳурият, жумладан, Ўзбекистон ҳам бу шартномага имзо чекмоқчи эди. Фитначиларнинг тор-мор келтирилганлиги республикалар мустақиллигини мустаҳкамлашга, уларнинг тенг ҳуқуқлилик асосида ўзаро манфаатли ҳамкорликка ишончларини оширди. Лекин ташвишли тамойил ҳам кўринди қолди. Парчаланиб бораётган марказнинг тузилмалари ўрнини фақат энг катта республиканинг вакиллари эгаллай бошладилар. Табиийки, бу нарса бошқа жумҳуриятларни эҳтиёт чораларини кўришга ундади. Улар ўзгаларнинг ҳомийлигига муҳтож эмасликларини изҳор этдилар.

Мана шундай шароитларда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари ҳақида Қонун қабул қилинди. Республикалар мустақиллиги тегишли қонун ҳужжатлари қабул қилиниши билан бошланади ва интиҳосига етади, деб ўйлаш нотўғридир. Сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мустақил ривожланиш — Ўзбекистон раҳбарияти ҳамда унинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг принципиал йўлидир.

Ҳозирги чақириқ республика Олий Кенгашининг биринчи сессияси 1990 йил мартидаёқ республика ҳукуматига «ягона Иттифоқ федерацияси доирасида Ўзбекистон ССРнинг иқтисодий мустақиллигини шакллантириш асосида республиканинг социал-иқтисодий, сиёсий ва маънавий-ахлоқий ҳаётининг барча соҳаларидаги ҳуқуқлари ва суверенитетини кенгайтириш йўлини изчил ўтказиш таъминлансин», деган топшириқни берди. Ўзбекистон Президентининг кўплаб Фармонлари, Қонунлар ва Республика ҳукуматининг қарорлари иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан мустақил ривожланишни таъминлашга йўналтирилган эди. Ушбу йўл Ўзбекистон ССРнинг мустақиллиги ҳақидаги Декларацияда ўзининг ҳуқуқий пойдеворини топди.

РЕСПУБЛИКА олдида турган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш муаммоларини ҳал этишга, одамларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш даражасини оширишга қаратилган бир қатор йирик амалий қадамлар қўйилди. Нафақалар, ўқитувчиларнинг иш ҳақи, талабаларнинг стипендиялари оширилди. Қуйи синф ўқувчиларига бепул нонушта берилмоқда. Ҳомиладор аёллар, кам қонли хотин-қизлар учун имтиёзли овқатланиш ташкил этилди. Уруш қатнашчиларига, ўқитувчиларга давлат квартиралари абадий бириктириб қўйилди.

Қўшимча ер участкалари ажратиш, фуқароларни ёрдамчи хўжаликда ишларни юриштириб юбориш ҳамда якка тартибда уй-жой қурилишини олиб бориш учун барча зарур нарсалар билан таъминлаш ҳақида қарорлар қабул қилинди. Уларга уруғликлар, бузоқ ва паррандалар, бинокорлик материаллари берилянти. Энг муҳими, Ўзбекистон ўз фуқароларининг ҳаётий манфаатларидан келиб чиқиб, Иттифоқ ҳукуматига ўхшаб нон ва уннинг чакана нархларини оширмади.

Албатта, бу тадбирларнинг ҳаммаси қўшимча моддий ресурслар ва молия воситаларини талаб қилади. Ўзбекистон ССР бюджетини шакллантириш принциплари ҳақидаги Декларацияда республика унинг ҳудудида тушаётган барча даромадларни тўла-тўкис ўзи тасарруф қилади, ўз бюджетини мустақил ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, деб эълон қилинди. Жумҳурият бюджетининг даромад қисмини, унинг балансилигини мустаҳкамлаш мақсадида 1991 йилдан бошлаб биринчи марта хом ашё ресурслари ва четга чиқариладиган товарлар (пахта толаси, пилла, қоракўл, капролактам, газ, ноёб металлар ва бошқалар)га ва четдан келтириладиган молларга, реновацияга, хорижий сайёҳликка, ерга, ҳусусийлаштиришдан олинадиган даромадларга солиқлар солинадиган бўлди.

Ўзбекистоннинг марказий иқтисодий органлари марказ ҳукмронлигидан озод бўлмоқда. Улар ўзларининг бутун диққат эътиборларини жумҳурият ҳудудида жойлашган, кимга бўйсуниши ва мулки шаклидан қатъи назар, барча корхоналар ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиришга борган сари кўпроқ йўналтирмоқдалар.

Республиканинг суверен ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда Ўзбекистоннинг иқтисодий, савдо, илмий-техникавий ва маданий алоқаларини янада ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишларни мувофиқлаштириш мақсадида Тошқи савдо ва чет мамлакатлар билан алоқа давлат комитети тузилди. Тошкентда ўтказилган ишбилармонлар учрашуви ташқи бозордаги фаолиятимизни янада жонлантиришга, хорижий компаниялар, фирмалар ва банклар билан тўғридан-тўғри ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатишга кучли омил бағишлади. Мазкур учрашувда ўз ватанлари билан ҳар тарафлама алоқа боғлашга тайёр турган хорижлик юртдошларимиз иштирок этдилар. Ўзбекистон Президенти И. Каримов бошлиқ ҳукумат делегациясининг Ҳиндистон Республикасига расмий дўстлик сафари вақтида у ерда тарихий аҳамиятга молик битимлар тузилди.

Республика Президентининг шу йил 25 августда чиқарган Фармони Ўзбекистон мустақиллигини таъминлашдаги дадил одим бўлди. Унга кўра, жумҳурият Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлиги комитети Ўзбекистон Республикаси тасарруфига олинди. Шу Фармон билан СССР Ички ишлар вазирлигининг республика ҳудудида жойлашган қўшинлари бевосита Ўзбекистон Президентига бўйсундирилди. Ички ишлар вазирлигида, Давлат хавфсизлиги комитетида, прокуратурада, адлия идораларида, шунингдек, республика ҳудудида жойлашган ички қўшинларда, Туркистон ҳарбий округи қисмлари ва қўшилмаларида уларни партиядан ҳоли қилиш ўтказилмоқда.

Республиканинг ўз халқи фаровонлиги йўлида ўз мустақиллигини мустаҳкамлашга интилиши қўллаб-қувватланиши уёқда турсин, балки муайян тўсиқларга учраганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиздир. Олий Кенгашнинг Баёноти ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисидаги Қонун мустаҳкам ҳуқуқий негизлар замирида тайёрланганлиги учун у марказнинг ёки бошқа жойнинг ҳукмронлигини тан олмайди. Давлат ҳокимиятининг ягона соҳиби деб Ўзбекистон Республикасининг суверен халқи тан олинади. У ўзига берилган ҳокимиятни ҳам бевосита, ҳам вакиллик органлари тизими орқали амалга оширади.

Ушбу ҳокимият, мустақиллигимизнинг ўзи моддий асосга эгадир. У Ўзбекистон Республикасининг мулкидир. Республика давлат мулки объектларига Иттифоқ қарамоғидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мулки ҳам киради. Давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги Қонун бундай корхоналарни акцияли жамиятларга айлантиришни кўзда тутилади. Уларни мулкнинг бошқа шаклларига ўтказиш фақат Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган шартлар асосида ва тартибда амалга оширилади.

КОНУН республика қонунчилигининг устиворлигини эълон қилди. «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва унинг қонунлари устундир», дейилади унда. Мана шундай устунликни таъминлаш учун, энг аввало, республиканинг мавжуд Конституциясини ўзгартириш ва унга қўшимчалар киритиш, янги Асосий Қонунни, республика мустақиллигини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқишни тезлаштириш даркор.

Мулк ҳақидаги фикримизни давом эттирадиган бўлсак, Ўзбекистон бундан буён ўз ҳудудида олтин, бошқа қимматбаҳо металлар ва тошларни қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сақлашни мустақил амалга оширади ҳамда назорат қилади. Ўзининг олтин заҳирасини яратади. Шу ўринда республикамизда йилига 790—910 миллион долларга тенг олтин қазиб чиқарилишини эслатиб ўтиш кифоядир. Эндиликда Олмалиқ кон-металлургия комбинатида ишлаб чиқарилаётган олтин ва кумуш республика ихтиёрида қолдирилмоқда. Зарафшон комбинатининг олтинларини Ўзбекистон тасарруфига ўтказиш масаласини кўтариш ҳам давлат мустақиллиги асослари ҳақидаги Қонунга мос келади. Шу билан бирга республика СССРнинг олтин заҳирасида, олмос ва валюта жамғармаларидаги ўз улушидан воз кечмайди.

Ўзбекистон Республикаси халқаро иқтисодий муносабатларда мустақил субъект сифатида чет эл инвестицияларини амалга ошириш шартларини, инвесторларнинг ҳуқуқларини белгилайди, ўзининг валюта жамғармасини яратади, олтин ва бошқа нарсаларни, айирбошланадиган валютани сотади ва сотиб олади.

Қонун Ўзбекистон Республикасига ўз пул бирлиги — миллий валютасини жорий этишга рухсат беради. Ўзбекистон жами пул обороти, пул ва бошқа давлат қимматли қоғозлари эмиссияси ҳажмларини мустақил белгилашга ҳақлидир. Гап ҳозир ҳуқуқлар тўғрисида кетяпти. Бу ишлар қачон, қай тарзда ва қандай ҳажмда амалга оширилиши мамлакатдаги ва республиканинг ўзидаги вазиятга боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида яқинда Мудофаа ишлари бўйича вазирлик тузди, миллий гвардия ташкил этишга қарор қилди. Шу билан бирга, у Ўзбекистон Республикаси ҳудудида СССР Қуролли Кучларини шакллантириш ва уларга раҳбарлик қилиш масалаларида ҳарбий сиёсатни ўтказиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

Ўзбекистон Иттифоқ шартномасини имзолаш ғоясидан воз кечган эмас. У ҳозирдаёқ мустақил давлатлар Иттифоқи шартномасини имзолашга тайёр. Бироқ бунинг учун, республика Президенти таъкидлаганидек, уни тубдан ўзгартириш, унда суверен давлатларнинг эркин иттифоқи белгилари тўла-тўкис ўз аксини топиши керак.

Юқорида қайд этилганидек, мустақиллик уни эълон қилиш билан тугамайди. Олдинда катта, машаққатли улкан ишлар, Ўзбекистонда яшовчи барча халқларнинг фидокорона меҳнат қилиши вазифаси турибди. Энг муҳими, Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилинганлиги ҳеч кимни миллати, ирқи, жинси, диний эътиқодига қараб камситишга йўл қўймайди. «Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари миллатидан, элатидан, ижтимоий чиқишидан, қайси динга мансублигидан ва эътиқодидан қатъи назар, бир хил фуқаролик ҳуқуқларига эгадирлар, республика Конституцияси ҳамда унинг қонунлари ҳимоясида бўладилар», дейилади Қонунда.

Демак, республикада яшовчи ҳар бир миллат намояндалари Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлашга ўз ҳиссаларини қўшишлари, фидокорона меҳнатлари билан барча халқлар фаровонлиги йўлида унинг иқтисодий ва маънавий имкониятларини кўпайтиришлари мумкин ва зарур.

Биринчи сентябрь — Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги куни сифатида байрам қилинди. Уни абадул-абад нишонлаш — ҳар биримизга, ҳамжиҳатлигимизга, мақсадларимизнинг муштараклигига, миллий тотувлик ва бирлигимизга боғлиқдир.

А. АЪЗАМХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

● Иқтисодиёт янгиликлари

ИШБИЛАРМОНЛАРНИНГ КАТТА ИШЛАРИ

Давлат сектори улгурмаган жойда ишларни хусусий ишбилармонлар муваффақият билан уддалашмоқда. Совет — Корейс «Гум Ган» корхонаси муассислик қилган «Чо сон» кичик корхонаси Тошкентда корейс миллий таомлари ресторанини очди. Унда юз ўрин бор.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистоннинг ўзида 200 мингга яқин совет корейслари яшайди, уларнинг кўпчилиги Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида истиқомат қилади. Шуни ҳисобга олганда корейс миллий таомлари ресторанига эҳтиёж катта. Республика пойтахтида «Мок Нан Кот», «Сам-Янг» «Кямган» корейс ресторанлари ишлаб турган бўлса ҳам янгисининг пайдо бўлганлиги қувончлидир. Вужудга келаётган соғлом рақобат хизмат кўрсатиш даражасига, тайёрланадиган таомлар сифатига, нархнинг баркаролигига албатта таъсир қилади ва бундан ҳўрланда фақат ютади. Янги ресторанда кўрсатилаётган соз хизмат, таомларнинг хилма-хиллиги ва инсбатан арзонлиги унга шуҳрат келтирмоқда. Корейс миллий таомлари билан бир вақтда ҳўрландаларга анъанавий шарқ таомлари — шўрва, лагмон, кабоб, палов, Европа таомлари таклиф этилаётганлиги бунда муҳим ўрин тутди.

(ЎзТАГ мухбири).

КИЧИК КОРХОНА САМАРАСИ

Олтиниқўл районида «Мурувват» деб номланган кичик корхона ишга туширилди. Унн Куйбишев номли жамоа хўжалиги аъзолари ташкил этишди.

Ҳозир бу ерда 42 нафар киши меҳнат қиляпти. Улар асосан болалар кийим-кечакларини тайёрлашмоқда. Ишчиларнинг бир гуруҳи эса аҳоли уйларини таъмирлашда, йўловчиларга намунали транспорт хизмати кўрсатишда яқиндан ёрдам беришяпти. Кичик корхона аҳли шу кунгача 100 минг сўмлик иш бажарди.

— Яқин вақт ичида ишлаб чиқаришни янги технология ускуналари билан таъминлаб, маҳсулот турларини кўпайтирмоқчимиз, — дейди корхона директори Анвар Раҳимов. — Куни кеча воситачи фирма билан шартнома туздик. Улар бизга хориждан томат ишлаб чиқариш ва ғўзапояни қайта ишлаш ускуналарини сотиб олишга кўмаклашади.

Ш. КЕЛДИЕВ,
Андижон вилояти.

Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз райони тоғли жойларида Китоб автомобиль йўл транспорти бошқармасининг механизациялашган кўчма колонкаси жамоаси икки минг метр баландликда йўл қурилиш ишларини олиб бормоқда. Маълумки, ўтган йили мана шу Ҳисорак — Ҳондуқ — Сарчашма йўлида маршрутдаги автобус авариясга учраган, оқибатда одамлар ҳалок бўлган эди.

Янги йўл қурилиши буюртмасини Ўзбекистон халқ депутатлари ўз зиммаларига олдилар. Бош пудратчи сифатида Китоб автомобиль йўл-транспорти бошқармаси бошлиғи Содиқ Холиқов, буюртмачи сифатида «Ҳисоракгидроқурилиш» бошқармаси бошлиғи Азим Зайниддинов ва область ширкат бирлашмаси раиси Зарип Бурхоновлар ҳайрли ишга қўл урдилар.

Бу мураккаб участкада иш бошланганидан буён уч километрдан ортиқ йўл тартибга келтирилди. Йил охиригача яна беш километр йўл фойдаланишга топширилади. Йўлнинг қолган 10 километрли қисми келгуси йили ишга тушади.

СУРАТЛАРДА: ишчи Аббос Аҳмедов (чапда) ва 4-участка бошлиғи Асқар Каримов; тоғ йўли қурилишида; Ўзбекистон халқ депутати Содиқ Холиқов (чапдан иккинчи) ўз сайловчилари билан суҳбатлашмоқда.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзТАГ) олган суратлар.

ВИЛОЯТ КЕНГАШЛАРИНИНГ СЕССИЯЛАРИ

ТЕРМИЗ, 11 октябрь. (ЎзТАГ). Бугун халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг сессияси бўлди. Унинг қатнашчилари вилоятда экология ҳолати ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги қонунлар талабларига риоя этилиши масаласини муҳокама қилдилар.

Сайловчиларнинг халқ депутатларига берган топшириқлари қандай бажарилаётгани, шунингдек, аввалги сессияда билдирилган танқидий фикр ва мулоҳазаларнинг бажарилиши ҳақидаги ахборот тингланди.

Кенгашда халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Советининг Раиси Х. Э. Бердиев нутқ сўзлади.

●

Самарқандда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш соҳасида халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг вазифалари муҳокама қилинди.

Депутатлар бошқа бир қанча масалаларни кўриб чиқдилар.

Сессияда халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг раиси П. М. Абдураҳмонов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг Дастури ва Низоми лойиҳалари—умумхалқ муҳокамасида

ПАРТИЯГА ИШОНАМАН

Ҳамма жойда бўлганидек, жумҳуриятимиз пойтахти меҳнат жамоаларида ҳам Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси Дастури ва Низоми лойиҳалари муҳокамасида турли фикрлар, таклиф ва мулоҳазалар билдирилаётир.

Шукрулла ТЎЛАГАНОВ, 78 ёшда, уруш ва меҳнат фахрийси, «Миконд» заводидан пенсияга чиққан:

— Менда айниқса, Халқ-Демократик партиясининг Дастури ва Низоми лойиҳалари қисқа ва лўндалиги билан таассурот уйғотди. Ушбу партия халқимиз қўллаган жами қадриятларни ўзига мерос қилиб олган, эл ардоғидаги аҳлоқ ва инсонпарварлик принципларига таянувчи партия бўлади.

Ҳар иккала ҳужжат лойиҳалари билан танишиш чоғида менда шундай фикр туғилди: Низом лойиҳасида собиқ Компартия аъзолари янги партияга қабул қилингач уларнинг стажлари сақланиб қолиши ёки сақланмаслиги тўғрисида ҳеч нарса айтилмаган. Ҳолбуки, янги партия Ўзбекистон Компартиясининг ҳуқуқий ворисидир. Шундай экан **стаж масаласи Низомда очиқ равшан айтилса фойдадан ҳоли бўлмайди.**

Яна бир фикр: Низом лойиҳасида партия аъзолигига қабул унга кирувчининг аризасига биноан якка тартибда амалга оширилиши таъкидланган. Мен бунга қўшилмайман. Ҳар ким хоҳласа ариза билан партияга кириб, хоҳлаганида ундан осонлик билан чиқиб кетаверадиган бўлса бу партиянинг обрўси нима бўлади. Бу усул халқ наздида унинг обрўсини тушириб юбормайдими? Шу сабабли **партия сафига кирмоқчи бўлган ҳолда ҳар бир фуқаро аввал бир жойда бир неча йил ишлаб, жамоада синалган ва камида икки кишининг тавсиясига эга бўлиши керак.**

Бугун заводга шахсий иш билан келгандим. Лекин мен тўғри директор ёки касаба уюшмаси қўмитаси раисига эмас, балки партия қўмитаси котибига учрашдим. Бунинг боиси — партияга ишонаман.

Шавкат ХОЛМУҲАМЕДОВ, пойтахтдаги 35-маршрут бўйича қатнайдиган автобус ҳайдовчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган транспорт ходими:

— Касбим тақозоси билан ҳамиша халқ ичида бўламан. 28 йилдирки, Назарбек Оқтепаси маҳалласи аҳолисига хизмат кўрсатиб келаяпман. кўпинча қўлим рулдаю, қулоғим йўловчиларнинг гапида бўлади. Илгари партия ҳақида гап борганида кишилар уни хафсаласизлик билан тилга олишларининг гувоҳи бўлардим. Янги Халқ-Демократик партияси ҳақида ҳам кўп гаплар бўляпти. Одамлар Компартиядан юрак олдириб қўйганлари учунми янги партия ҳам бюрократлашиб кетмасайди, бора-бора у билан халқ ўртасида оралиқ пайдо бўлмасайди, деб ҳадиксирашади. Халқнинг гапи — ҳақнинг гапи. Ҳа, биз мана шундай иллатлардан эҳтиёт бўлишимиз керак. Таклифим шуки, Халқ-Демократик партияси сиёсат, маданият, миллатлараро муносабатларда эзгулик, адолат, ҳалоллик ва виждонийлик қадриятларига асосланар экан, **унинг эшиклари ҳамиша ҳамма учун очиқ бўлади, деб, ёзиб қўйилиши даркор. Ҳар ким зарурат туғилганда партия раисими, биринчи котибми ёки кенгаш аппарати ходимими, ҳеч бир тўсиқсиз унинг ҳузурига кира олиши мумкин бўлсин.**

Қўрқмас АЛИМОВ, 3-автохўжалик директорининг ўринбосари.

— Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси Низоми лойиҳасининг партияга аъзолик бўлимида 18 ёшга тўлган фуқаро партия аъзоси бўлиши мумкин деб қайд этилган. Майли, 18 ёшдаги йигит-қизлар партияга қабул қилинди, деб ҳам ўйлайлик. Аммо шу ёшдаги фуқаро ҳали ҳаёт синовларидан ўтмаган, чинакам турмуш қийинчиликлари қандай бўлишини ҳатто фараз ҳам қилолмайдиган, тўғрироғи энди мактабни битирган, ота-онаси қарамоғида бўлган ўспиринларку. Шундай экан, биз уларга қандай қилиб ўз сафимиздан жой бераоламиз. Улар аввал ҳаёт чиғириқларида чиниқиб, меҳнатда тобланишсин, ана шундан кейин уларнинг партияга қабул ҳақидаги аризаларини кўриб чиқайлик. Мен мана шуларни назарда тутиб партияга **21 ёшга тўлган фуқароларни қабул қилиш керак,** деган таклифни билдираман.

Суҳбатдош: А. РЎЗИЕВ «Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

ОХИР-ОҚИБАТНИ ЎЙЛАЙЛИК

Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг ҳар иккала ҳужжати лойиҳалари юзасидан корхонамиз жамоаси ўртасида жиддий баҳс-мунозаралар бўляпти. Мен ҳам кўпчилик қатори уни синчиклаб ўрганиб чиқдим.

Халқ-Демократия партияси Дастури лойиҳасида мустақил республика, унинг халқлари манфаатини вужудга келаётган суверен давлатлар иттифоқи ва халқаро миқёсларда ҳимоя қилиш, республика тараққиётини янги босқичга олиб чиқиш йўллари белгиланган. Дастур ва Низом лойиҳаларида айрим мулоҳазали ўринлар ҳам йўқ эмас. Бизнингча **Дастур бироз чўзилиб кетган. Баъзи жойлари эса партиянинг бирон бир масала юзасидан берган баёнотига ўхшаб қолган. Ҳолбуки, Дастур лўнда, аниқ, ҳар бир киши тез тушуниб оладиган бўлиши лозим.** Низомнинг бошланғич партия ташкилотларига доир бўлимини ўқиб шуни аниқладимки, амалдаги қонунларга хилоф бўлмаган жойларда, масалан ҳар бир корхона, ишлаб чиқариш бирлашмаси, хўжалик, муассаса ва ташкилотда бошланғич партия ташкилотлари тузиш мумкин экан. Шу ўринда бир мулоҳаза бор. Республикамизда вужудга келаётган кўп партиялилик шароитида шундай қилиш мақсадга мувофиқ бўлармикан? Масалан, бугун бизнинг корхонамизда Халқ-Демократик партияси бошланғич ташкилоти тузилса, эртага «Эрк» демократик партиясининг ташкилоти ҳам тузилиши мумкин. Партиялар сони янада кўпайиб боришини назарда тутадиган бўлсак бунинг қандай натижаларга олиб келиши ҳозирданоқ маълум. Бир корхонада уч-тўрт партиянинг бошланғич ташкилотлари фаолият олиб бориши ишлаб чиқаришга зарар етказмасмикан? Ишчилар ва муҳандис-техник ходимлар орасида иш ўрнига турли хил мунозаралар авж олиши, бошбошдоқлик, ўзаро келишолмаслик, бир-бирига мухолифларча муносабатда бўлиш кайфияти юзага келмасмикан? Бизнингча Низомнинг шу бандида жиддийроқ мулоҳаза юритиш даркор. Балки **бошланғич ташкилотлар учун корхоналар ва хўжаликлар ҳудудида махсус хоналар ажратиш, уларнинг иш вақтида партиявий-ташкилий, сиёсий тадбирларни, шунингдек йиғилишларни ўтказишини таъқиқлаб қўйиш, ёки чеклаш зарурдир.** Низомда ана шу ҳолатлар ўз аксини аниқ топса менимча фойдадан ҳоли бўлмасди.

Шамсиддин САЙДАҲМЕДОВ,
Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводи директори, техника фанлари номзоди.

ҚАЛБИМИЗГА ҚУЛОҚ СОЛАЙЛИК

Ўзбекистон Республикаси Телекўрсатув ва радиоэшиттириш давлат қўмитасининг Журналистлар уюшмаси Баёнот билан чиқди. «Бугун биз, — дейилади унда, — она халқимизнинг асрий армонини, орзу-умидини, юрагида қат-қат бўлиб ётган тилакларини рўёбга чиқариш учун, унинг тинч-тотув ва фаровон яшаши учун, улуғ юртимиз — Ўзбекистонимизни тараққий этган мамлакатлардан бирига айлантириш учун Ўзбекнинг нималарга қодирлигини ақлу заковатимиз, ҳалол меҳнатимиз ва буюк бунёдкорлигимиз билан исботлаш учун бел боғладик».

Баёнот муаллифлари кейинги пайтларда мустақиллик йўлига ўтган Ўзбекистонга ва унинг халқига бўхтон тошларини отаётган «Известия», «Комсомольская правда», «Мегаполис-экспресс» ва «Собеседник» каби марказий рўзнома ва ҳафтаномаларнинг чиқишларига қатъиян норозилик билдирдилар. Улар ўқувчиларни айрим марказий нашрларнинг алдови ва макрига учмасликка даъват этдилар. «Биз бугун бировларнинг эмас, ўзимизнинг қалбимизга қулоқ солайлик!» «Оқни оқ, қорани қора деайлик! Дардимизга ва ҳамма-ҳамма ишларимизга аҳиллиқни чора деб билиш билан мустақилликни қўя қорачиғимиздек асрайлик!», деб таъкидланади Баёнотда.

Фарғона вилоятининг Киров районидаги «Искра» жамоасининг илғор сут соғувчиси Зулфия Икромова ўз қарамоғидаги 18 бош соғин сигирдан 42 тонна сут соғиб олишга аҳд қилган. Ҳозирги кунда ҳар бир сигирдан 9—10 литрдан серқаймоқ сут соғиб олмоқда.

СУРАТДА: илғор сут соғувчи Зулфия Икромова.

У. ҚУШВОҚОВ олган сурат.

Эшитмадим, деманглар!

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ЯНГИ ВАЗИРЛИК

Қорақалпоғистон Республикасида иқтисодиёт вазирлиги тузилди. У тугатилган давлат режа комитети ўрнига ташкил этилди.

Вазирлик иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш ва ўтказиш ишига раҳбарлик қилиши лозим. Унинг зиммасига бошқа мустақил республикалар ва давлатлар билан тузилган шартномалар ҳамда битимларнинг ижросини назорат қилиш вазифаси юкланган. Иқтисодиёт вазирлиги ходимлари давлат илмий-техникавий, сармоя, экология, инсонпарварлик ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш, тахмин қилиш ва рўёбга чиқариш билан шуғулланадилар.

Янги бошқарув тузилмаси Қорақалпоғистон республикаси ҳукумати номидан биржа, суғурта, банк, ташқи иқтисодий ва ўзга тижорат фаолияти учун рухсатномалар бериш ҳуқуқига эга.

(ЎзТАГ мухбири).

ЯНГИЛИКДАН ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

РАДИАТОР ЗАВОДИ

Оренбург радиатор заводи билан ҳамкорликда Қарши ремонт-ишлаб чиқариш корхонаси ҳузурида радиатор заводи ташкил қилинди. Бу қўшма корхона вилоятда энг йирик заводга айланади. Ҳозирча «МТЗ—80» маркали тракторларга радиатор тайёрланяпти. Ҳадемай техниканинг бошқа турлари ва автомашиналар учун ҳам радиатор ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Барча ускуна ва дастгоҳлар Оренбургдан келтирилган. Оренбург заводи шартномага биноан муттасил хом ашё билан таъминланиб туради. Яқинда Д. Жумаев, Ю. Раҳимов, У. Усмонов, Р. Тиловов каби 7 киши технолог ва чилангирлик касблари бўйича қардошлар заводида малака ошириб қайтишди.

— Қўшма корхонамиз йилига 10 минг дона радиатор ишлаб чиқаради, — дейди ремонт-ишлаб чиқариш корхонаси директори С. Абдиев. — Бу жумҳуриятда ягона завод бўлиб қолади. Яқин йилларда бўёқ ва шина ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш мўлжалимиз ҳам бор.

М. КАРОМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Тошкент Давлат дорилфунуни, СССР фалсафа жамиятининг Ўзбекистон Республика бўлими ташаббуси билан Тошкент Давлат университети фалсафа кафедрасининг профессори Д. М. Бобоев туғилган куннинг 80 йиллиги ҳамда илмий-педагогик ва ижтимоий фаолиятининг 60 йиллигига бағишланган юбилей илмий конференцияси ўтказилди.

ОЛИМНИНГ ЮБИЛЕЙИ

Истеъдодли олим ва ташкилотчи фалсафа тарихи, билиш назарияси ҳамда диалектик материализмнинг бошқа бўлимларига доир саксондан ортиқ асарнинг муаллифидир, у бир қанча дарсликлар яратди. Д. М. Бобоев ёзган «Фалсафа тарихи курси» талабаларнинг бир неча авлодлари учун доимий ўқув қўлланмаси бўлиб келди.

Д. М. Бобоев деярли 50 йилдан буён В. И. Ленин номли Тошкент Давлат дорилфунунида дарс беради. Ҳозир, 80 ёшида ҳам олим куч-ғайратга тўла, илмий ва муаллифлик фаолиятини давом эттирмоқда.

(ЎзТАГ).

«Ўзбекистон овози» рўзномасига ёзилдингизми?

(Давоми. Боши биринчи бетда).

нисбатан арзон таннарх билан ишлаб чиқариш технологияси ўзлаштирилади.

Агар рўзномамизга 1992 йил учун ёзилсангиз, бутун йил давомида эшигингиздан «Ўзбекистон овози»нинг ўзи кириб боради. Рўзнома саҳифаларида республикамиз ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётига оид мақола, очерк, репортаж, хабар, фельетонларни уйда ёнбошлаб олиб бемалол ўқиш имконига эга бўласиз. Жумладан, рўзнома саҳифаларида ишчи ва мутахассислар меҳнат фаолияти, илғор тажрибалар, меҳнат жамоалари турмуш шароитларини яхшилаш учун нима ишлар қилинаётганини ҳам билиб оласиз.

Айтиб қўяйлик, бўлимимизнинг келгуси йил режалари кенг кўламли. Асосий мавзу — инсон ҳаёти ва фаолияти. Ишчи ва муҳандислар кундалик ишлари, турмушнинг катта-кичик муаммоларига алоҳида эътибор берилади. Иқтисодий мавзуда муҳим деб ҳисоблаган масалаларингиз ҳусусида ўзингиз ҳам мақола-хабарлар ёзиб турасиз, деб умид қиламиз. Шундай умид қилишимизга асос бор. Негаки, бизнинг рўзнома — моҳият эътибори билан сизникиҳалқникидир. Агар шуни қалбдан ҳис этиб, ўз ҳаётингиз, корхонангиз, қурилиш ташкилоти, транспорт тармоқларидаги ибратли ишлар, яхши ишлашга тўсиқ бўлган муаммолар ҳақида ҳам ёзиб турсангиз, савобли иш қилган — рўзномамизни қизиқарли чиқаришга ҳисса қўшган бўлардингиз.

Азиз муштарийларнинг ёдида бўлса, рўзноманинг шу йил 20 сентябрь сонида «Ишчизодалар» сарлавҳали мақола босилган эди. Ушбу мақола юзасидан рўзнома республиканинг турли вилоят, шаҳар ва районларидан кўплаб мактублар олмоқда. Уларда республикада маҳаллий хом ашёдан кенг фойдаланган ҳолда миллий ҳунармандчиликни қайта тиклаш имконият ва истиқболлари ҳақида қимматли мулоҳазалар билдирилмоқда.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Шўролар ҳокимияти бир вақтлар, «Ер — деҳқонники, завод-фабрикалар — ишчиларники!» дея жар солди. Амалдачи? Бу ваъдалар ёлғон бўлиб чиқди. Деҳқонни хўрлаш ҳисобига оғир саноатга зўр берилди. Бундай оғир саноат корхоналари ассарият ўз хом ашёмиз асосида ишласа-да, маҳсулотлар бошқа жойларга ташиб кетилди. Роҳатини бировлар кўрди. Икки орада маҳаллий бойлигимиз совурилди, меҳнат қилганлар эса рўшнолик кўрмай, боқиманда деган таъна-ю дашномларга қолди. Энди бундай бўлмаслиги керак.

Олтин — қимматбаҳо металл. Лекин ундан буюм ясаб бозорга чиқарсак борми, унинг қиммати яна ҳам ортади. Олтин, кумуш, мис, вольфрам каби металларни сотгандан кўра, уни тайёр маҳсулотга айлантириб сотган ўн, балки юз чандон афзал. Олтин-кумушдан кўзларни қамаштирувчи безак буюмлари тайёрловчи заргарларимиз бўлган-ку! Ўша касбларни тирилтирсак, устахоналар барпо этсак. Тилла узук, билакузук, зирак каби зеби-зийнатлар тайёрловчи усталар, устазодалар авлодлари ҳали ҳаёт-ку!

Ёки маҳаллий ҳунармандчиликка оид мактабларимиз бўлганини эслайлик. Таассуфки, ҳар бир вилоятнинг ўзигагина хос ҳунармандчилик мактаблари йўқ қилиб юборилди. Бундай ишлар билан машғул бўлганлар таъқибга олинди. Энди бундай тўсиқлар бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ишбилармонлик, ҳунармандчиликни рағбатлантира бошлади.

Хўш, республикамиздаги қайси вилоятда ҳунармандчиликнинг қандай мактаблари бор? Айтайлик, келин уйининг кўрки палакни ким яхши тикади-ю, гиламни санъат даражасида тўқий оладиган киши ким, у қаерда ишлаяпти? Ёки, қайси темирчи уста отга яхши тақа, кетмон, ўроқ ясаб бериши мумкин? Тупроқдан буюм ясовчи кулоллар сулолалари қайси вилоятда макон қурган-у, улар қандай шароитларда ишлашяпти? Бундай усталар ишида қандай янгиликлар бор, нималардан қийналишяпти? Ҳунармандчиликнинг шу ва бошқа масалалари ҳақида вилоят Кенгашлари мулоҳазалари-ю, нима тадбирлар кўраётганлари муштарийларга қизиқарли, албатта. Келгуси йилги иш режаларимизда шу мавзуларни ёритиш ҳам мўлжалланган.

Ҳозирги кунда рўзнома саҳифаларида кўриниб турган айрим рукнлар остида келаси йилда ҳам мунтазам материаллар бериб борилади. Масалан, интизом — ҳар бир ишда зарур омил. Тартиб бўлмаган жамоада яхши иш натижаларига эришиб бўлмаслиги ҳаммага аён. Корхонада дастгоҳ, ишчи бўлса-ю, материаллар вақтида етказиб берилмаса — режа ҳам бузилади, ишчи ҳам тузук ҳақ ололмайди. Автомобиль бўлса-ю бензин келмаса-чи! Ёки қурилишга бетон етказиб берилса-да, ишчи етишмаса, айтайлик, пойдевор ётқизишга қолип тахт қилинмаган бўлса-чи? Бундай тартибсизлик, хўжасизликларга оид ҳолатлар қаттиқ назорат қилинади. Шу мавзудаги мақолалар «Ўзбекистон овози» ижрони текширади» рукни остида мунтазам ёритиб борилади. Бундан ташқари, «Қўлни беринг, хориждаги шериклар!», «Тадбиркорлик — замон талаби», «Ишбилармонлар ҳақида ҳикоя қиламиз» деб номланувчи рукнлар остида жойлардаги иқтисодий аҳвол, тадбиркорлар намунаси, ишбилармонлар тажрибалари кўрсатиб борилиши мўлжаллаб қўйилди.

Миллий ишчи, муҳандис кадрлар масаласи — жуда долзарб, ўткир масала. Бу жабҳада туб бурилиш ясаш, ҳал қилувчи зарур тадбирлар кўриш зарур бўлиб турганини яширмаймиз. Тўғри, республика ҳукумати бу борада айрим ишлар қилди, яна баъзи муҳим, тадбирлар кўрилмоқда. Лекин миллий кадрлар — оғир саноат тармоқлари учун малакали ишчилар, ишга ижодий муносабатда бўлишга қодир техник-муҳандис кадрлар олтин фондимиз даражасида кадрланиши лозим бўлиб турибди. Нега? Миллий индустрияни тараққий эттириш манфаатлари юзасидан юқори малакали ишчилар синфини вужудга келтириш, техника зиёлиларининг иқтидорли гуруҳларини танлаб олишимиз, қайта тайёрлашимиз зарур. Энди бой берилган имкониятлар ўрнини тўлдиришга мажбурмиз. Четдан ишчи чақирсак, уй-жой керак. Шунга мўлжалланган уй-жой биноларини маҳаллий кадрларимизга берсак, улар оиладан хотиржам ишлаганларига, малака ошириш имконига эга бўлганларига нима етсин.

Кадрларимиз ишбилармонлиги-ю, тадбиркорлигидаги ҳар бир олга силжиш рўзнома кўз ўнгида туради. Корхона ишини яхшилаш, қурилишларни вақтида фойдаланишга топшириш, аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш жабҳаларидаги ўзгаришларга рўзнома саҳифаларида кенг ўрин берилади. Эришилган ютуқлар, яхши натижаларни таъминлашга имкон яратган илғор тажриба-ю, серсамара иш усуллари билан бирга, тараққиётга тўғаноқ бўлаётган камчилик ва нуқсонлар ҳам чуқур таҳлил этиб борилади.

Хуллас, кундалик ижтимоий-сиёсий рўзнома сифатида қайтадан туғилган мустақил нашрга «Ўзбекистон овози» деб ном берилгани бежиз эмас. Унинг янгроқ овози мустақил Ўзбекистон Республикаси барча вилоятларидаги ҳамма оилаларда баланд эшитилиши тарафдоримиз. Рўзнома ишчилар-муҳандислар меҳнати, ижодкорлиги, ҳаёти ва интилишларини холис ёритади.

Зеро биз, журналистларнинг ниятимиз холис — токи ҳар бир оила рўзнома деган зиёдан баҳра олсин, деймиз. Мақолда айтилганидек: «Рўзғорингни сотиб бўлса-да, рўшнолик ол!» — рўзномамизга вақтида ёзилиш хотирангиздан кўтарилмасин, деган ниятдамиз.

Азиз муштарийлар! Сизни 1992 йилда рўзномамиз билан завқли учрашувлар кутмоқда. Ахир рўзнома республикамиз, мамлакатимиз ва дунёдаги ҳар кунги ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаёт воқеа ва ходисалари ҳақида сизни муттасил хабардор қилиб туриш кафолотини олади.

Жўра ХОЛҚОСИМОВ,
«Ўзбекистон овози» рўзномаси таҳрир ҳайъати аъзоси, саноат, қурилиш ва транспорт бўлими мудири.

УЧРАШУВ

МУШТАРИЙЛАР ХАТЛАРИДАН

«Ўзбекистон овози» рўзномасига 1961 йилдан буён обуна бўлиб келяпман. Мен айниқса, рўзноманинг воқеаларни ёритишдаги ва уларга баҳо беришдаги холислиги, босиқлигини ёқтираман. Сир эмас, ҳозир ошкораликни рўкач қилиб, босар-тусарини билмай оғзига нима келса, шуни матбуотда ёзаётганлар ҳам йўқ эмас. Таклифим шуки, севимли рўзномамизда «Эҳтиросларга берилиб, мантиқ ва чегарани унутмайлик» деган янги рукн очилиб, унда шундай кимсаларнинг ниқоблари очиб ташланса айни муддао бўларди. Гуруч курмаксиз бўлмаганидек, раҳбарларимиз орасида ношудлари ҳам йўқ эмас. Улардан на жамоага ва на ишга наф бор. Рўзнома барча мавзулар қатори ана шу масалага ҳам эътибор берса чакки бўлмасди.

Йўлдош ТУХТАБОЕВ,
ўқитувчи, ҚҚАССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, Тўрткўл райони.

●

Республикамизнинг отахон рўзномасига ихлосим баланд. Келгуси йил учун ҳам унга ёзилдим. Тенгдошларим, ҳамфикрдошларим ва ўртоқларимни ҳам «Ўзбекистон овози»га обуна бўлишга ундаяпман. Ахир, «Иштирокиюн»дан «Ўзбекистон овози» номини олгунгача бўлган қарийб 75 йиллик тарихий давр ичида рўзнома жуда кўп воқеаларнинг шоҳиди бўлган. Ўзбек тили ва адабиёти равнақининг фидоийлари бўлган Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Ойбек, Шайхзода ва бошқаларни тарбиялаб етиштирган ана шу рўзнома эмасми? Истагим шуки, севимли рўзномамизнинг номи ўзгарибгина қолмай, унинг маъноси, мантиқи ва бошқа жиҳатлари ҳам ўзгарса, халққа янада яқинлашса нур устига аъло нур бўларди. Газетани қўлга олган ҳар бир киши фахр билан «ахир бу ўзимизнинг «овозимиз-ку» деб айта оладиган бўлсин.

Дадажон ҲОЖИБЕКОВ,
Тошкент вилояти Тўйтепа шаҳри.

• ЖУРНАЛИСТ ЁН ДАФТАРИДАН

● Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «Пахта хом ашёси ва пахта толаси харид ҳамда улгуржи нархларини ошириш тўғрисида»ги қарори ҳамда Республика Президентининг «Колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан пахта сотиш масалалари тўғрисида»ги Фармони андижонлик пахтакорлар ғайратига-ғайрат қўшди. Улар етиштирилган мўл ҳосилни изгирили кунларга қолдирмай йиғиштириб олишга астойдил бел боғладилар.

Андижон вилоятида уч кун ёққан ёмғир ишнинг белига тепди, йиғим-терим суръати вақтинча пасайди. Ҳаво очилиб, қуёш чарақлагандан кейин эса пахта тайёрлаш пойгаси тағин авж олди. Терим пойгасида ҳеч ким ортда қолишни истамайди.

Бу йилги мавсумнинг карвонбошиси бўлиб келаётган олтинкўллик пахтакорлар биринчи ўринни марҳаматликларга бўшатиб бердилар. Лекин улар орқага чекинган бўлсалар ҳам бўш келаётганлари йўқ. Терим суръатига-суръат қўшиб, даладаги ҳосилнинг учдан икки қисмини йиғиб-териб олдилар. Ленин номли, «1 Май» жамоа хўжаликлари эса маррага анча яқинлашиб қолдилар.

Пойгада олдинга ўтиб олган марҳаматлик марду-майдонлар ғайрат «от»ига қамчи босиб, орқаларидан қувиб келаётган Комсомолобод, Шаҳрихон, Балиқчи, Избоскан чавандозларига етказмасликни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйдилар. Ишга яроқли барча аҳоли оёққа турди. «Пўлат от»лар тўла ишга солинди. Айниқса, М. Тожибоев номли жамоа хўжалигида пахта йиғим-терими яхши ташкил этилган. Хўжаликнинг Абдусалом Яхшибоев бошлиқ бригадаси вилоятда биринчи бўлиб беш иш кунида пахта тайёрлаш йиллик режасини бажарди. Бригада жамоаси Марҳамат хирмонига 120 тоннадан кўпроқ «оқ олтин» тўкди. Меҳнат ғалабасида механизаторлардан А. Шаматов, сувчилардан О. Абдураҳимов, Э. Тўраев, ижарачилардан О. Яхшибоева, М. Абдураҳимова ва бошқаларнинг улуши катта.

Пахта терими авж олган шу кунларда бригада жамоасининг қувончига-қувонч қўшилди. Халқ депутатлари Марҳамат район кенгаши ва деҳқончилик саноати ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг қўшма қарорига асосан илғор бригада «Жигули» енгил автомашинаси ва бошқа қимматбаҳо совғалар билан мукофотланди. Бундан руҳланган бригада жамоаси ҳосилдорликни гектар бошига 35 центнерга етказишга аҳд қилди.

Шу районнинг пахта тайёрлашда олдинда бораётган Умрзоқ Қорабоев номли жамоа хўжалигида иккита бригада бирин-кетин ғалаба манзилига етди. О. Алиматов, А. Алиев бошлиқ бу бригадалар мажбурият ҳисобига пахта топшира бошладилар.

Марҳамат районида ҳали пахта кўп. Суворийлар, олтин қўллар жасорати туфайли ҳар куни ярим фоиздан пахта топширилянти.

Мавсумга пухта ҳозирлик кўрган бўзликлар кейинги кунларда «зангори кема»лардан унумли фойдаланиб, вилоятда энг юқори кўрсаткичга эриша бошладилар. Улар 2 октябрдан кунлик ўсишни салкам олти фоизга кўтардилар ва куни-кеча марҳаматликлардан ўзиб кетдилар. Маннон Жалолов номидаги давлат хўжалигининг Нўъмон Усмонов, «Ленинчи» жамоа хўжалигининг Мадамин Ҳожиназаров, Қаҳрамон Қаршибоев бошлиқ оилавий ижарачилари Бўзда биринчилар қаторида маррага етдилар.

Шаҳрихонлик пахтакорлар шаънига ҳам икки оғиз илик гап айтишга тўғри келади. Улар бу йилги йиғим-терим мавсумини қисқа муддатларда ўтказишга сўз бердилар. Машиналар шарофати билан бу ерда ҳам терим суръати кун сайин ортиб боряпти. Тажрибали пахтакор Комилжон Собиров етакчилик қилаётган «Октябрь» жамоа хўжалиги пахта тайёрлашда вилоятда биринчи ўринни эгаллаб турибди.

— Биз барча майдонга эртапишар «Қирғизистон—3» навли пахта чигитини пушта устига эккандик, — дейди К. Собиров. — Шунинг учун пахта эрта етилди. Теримга бошқалардан барвақтроқ киришдик. Йиллик режа нақд.

Комсомолободлик, балиқчилик, избосканлик пахтакорлар ҳам машиналарга таянган ҳолда ишлаб, йиллик режанинг 5—5,5 фоизи миқдорида пахта топширмоқдалар. Охирги ўринлардан олдинга интилаётган жалолқудуқликлар бир кунда 5,74 фоиз миқдорида пахта топширдилар.

Андижон далалари серфайз. Терим суръати баланд. Эгат оралаб юрган опа-сингилларимиз, мўътабар қарияларимиз, механизаторларимиз, дала шийпонларида жажжи ўғил-қизларга алла айтаётган тарбиячиларимиз, иссиқ овқат пишираётган ошпазларимиз, пахта ташиётган ҳайдовчиларимиз, дала меҳнаткашларига ғамхўрлик қилаётган маҳаллий ташкилотларнинг бугунги иштиёқи, интилишлари жўшқин.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАҲРИРИЯТДАН: Ушбу мақола чоп этилаётган пайтда Марҳамат районидаги Қорабоев номли жамоа хўжалиги вилоятда биринчи бўлиб йиллик режани бажарди. Шунингдек Комсомолобод районидаги Мирзаҳмедов номли давлат хўжалиги, Москва райнидаги «Октябрь» жамоа хўжалиги ҳам йиллик пахта тайёрлаш режасини адо этдилар.

ЧАРОҒОН КУНЛАР ҒАНИМАТ

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ПАХТАКОРЛАРИ ОТГА ҚАМЧИ БОСДИЛАР

Дўстлик районидаги «Октябрь 50 йиллиги» давлат хўжалигининг «Тараққиёт» ширкатига қарашли Саттор Қорабоев бошлиқ звено аъзолари 70 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 26,5 центнердан ошириб ҳосил олишди. Қабул пунктига 200 тоннадан зиёд сифатли пахта жўнатилди.

СУРАТЛАРДА: 1. 65 ёшли Ҳасан Ғайбуллаев ширкат бошлиғи Ғофур Қорабоев ва звено бошлиғи Саттор Қорабоевлар билан суҳбатлашмоқда. 2. Звено бошлиғи Эркин Ғайбуллаев. 3. Қабул пунктида иш қизғин.

У. ҚУШВОҚОВ олган суратлар.

Сайёрамиз нафаси

• ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

ЯДРОВИЙ ҚУРОЛ ВА ХАВФСИЗЛИК

Инсоният кўп минг йиллик ўз тарихи давомида қурол-яроғларнинг минглаб хилларини кашф этди. Энг оддий тош қуроллар, қилич ва найза, милтиқ ва тўп, бомба ва ниҳоят, ракета-ядро қуроли — буларнинг ҳаммаси инсон ақл-заковати, меҳнати, изланишлари якунидир. Албатта, ушбу қуроллар кўргазма ёки музейлар учун эмас, балки ҳимояланиш ва ҳужум қилиш учун яратилгандир. Булар уруш қуролларидир. Уруш эса, қандай сабабларга кўра келиб чиқиши, қанақа хусусиятларга эга бўлишидан қатъи назар, қон тўкиш, одам ўлдириш, вайронагарчилик демакдир.

Охирги жаҳон урушининг мудҳиш оқибатларини ҳеч қачон унутиб бўлмас: 50 миллиондан зиёд қурбонлар, миллионлаб ногиронлар, бева етим-есирлар, минглаб ер билан яксон қилинган шаҳар ва қишлоқлар, завод ва фабрикалар, уй-жой ва маданий объектлар... Унинг тамом бўлганига 45 йилдан ошган бўлса-да сайёрамизда бирон кун ҳам уруш ҳаракатлари тўхтатилгани йўқ. Дунёнинг гоҳ бу, гоҳ у районида дам фуқаролар уруши, дам минтақавий низолар, дам миллатлараро можаролар келиб чиқиб ўқ узилмоқда, қон тўкилмоқда, одам ўлдирилмоқда. Сальвадор, Афғонистон, Шри Ланка, Тоғли Қорабоғ... рўйхатнинг кети кўринмайди.

Қурол-яроғларни ишлаб чиқариш: такомиллаштириш ва янги-янгиларини кашф этиш эса ҳамон давом этмоқда. Кимёвий, бактериологик, электроника кенг қўлланиладиган қуроллар, оддий қурол-яроғларни такомиллаштириб, уларнинг қувватини ошириш... эҳ-ҳе қайси бирини айтасиз! Саддам Ҳусайн ўз қўшинларига қарши олиб борилган кейинги уруш замонавий фан-техника асосида такомиллаштирилган оддий қурол-яроғларнинг қандай қувватга эга бўлиши мумкинлигини яққол намойиш этди.

Лекин, барибир барча қурол-яроғлар ичида ядровий қурол энг даҳшатли, энг қудратли, энг мудҳиши бўлиб қолмоқда. Нагасаки ва Хиросимага ташланган дастлабки Америка атом бомбалари икки япон шаҳарининг кулини кўкка совуриб, 300 минг кишини нобуд қилди. Ҳозирги ядровий қуролларнинг қуввати ибтидоий атом бомбаларига нисбатан кўплаб марта ошиб кетди, уларнинг заҳиралари эса керагидан ортиқчадир.

Мутахассисларнинг фикрича ядровий қуролнинг ишлатилиши оқибатида сайёрамиз аҳолиси тўла қурбон бўлиши, ҳаттоки фақат бир томон ушбу воситалардан фойдаланган тақдирда ҳам ғолиблар бўлмаслиги мумкин. Бахтимизга бу ҳақиқатни олимлар, мутахассислар билан бирга сиёсий арбоблар, давлат раҳбарлари ҳам тушуна бошладилар. Натижада, қайта қуришни бошлаб юборган совет раҳбариятининг ядро уруши хавфини пасайтиришга қаратилган ташаббуслари Ғарб ҳукмрон доиралари томонидан қўллаб-қувватлана бошлади.

Совет Иттифоқи ва Америка Қўшма Штатлари 1987 йилда тузган дастлабки битимга кўра ўртача ва кам олисликка учадиган ядровий ракеталар бизда ҳам, Америкада ҳам тўлиқ йўқ қилиб ташланди. Икки турдаги даҳшатли ўлим воситаларидан биз қутилдик. Лекин бу билан оммавий қирғин воситасининг икки фоизини ташкил этган ушоқларидангина халос бўлдик.

Изланишлар, ташаббуслар, музокаралар, келишувлар шу йил 31 июль куни Москвада янги Совет—Америка Шартномасининг имзоланишига олиб келди. Унга биноан аслаҳахоналаримиздаги стратегик ҳужум (ядровий) қуролларининг 30 фоизи қисқартирилади. Битимнинг муваффақиятли бажарилиши натижасида инсониятга таҳдид қилаётган хавф жиддий тарзда камаяди. Бу борада АҚШ ва СССР Президентлари Ж. Буш ва М. С. Горбачевнинг янги ташаббуслари диққатга лойиқдир.

Келажакда стратегик ҳужум қуролларини янада кўпроқ қисқартириш ва бора-бора уларни тўла йўқ қилиб ташлаш тўғрисида келишилса, тактик ядро қуролларидан тамомила воз кечилса ядровий қуролсизланиш жараёнига шундай воситаларга эга бўлган Буюк Британия, Франция ва Хитойни ҳам тортиш мантиққа лойиқдир.

Аммо кейинги пайтларда бизда ҳам ядровий қуролнинг истиқболи тўғрисидаги расмий нуқтаи назардан фарқ қилувчи фикрлар айтилмоқда. Айрим публицист ва сиёсатшунослар ядровий қуролни батамом йўқ қилиш ҳомҳаёллик, деб айтмоқдалар. Уларнинг фикрича, Варшава Шартномаси Ташкилотининг тарқатилиши ҳамда оддий қурол-яроғларни қисқартириш ҳақидаги Париж битимининг имзоланиши натижасида НАТО давлатларининг қуролли кучлари миқдор жиҳатдан ҳам, сифат жиҳатдан ҳам устунликка эга бўлдилар.

Иккинчидан, ядровий қуролни ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлган давлатларнинг сони тобора кўпайиб бормоқда. Ҳозирнинг ўзида Ироқ, Исроил, Бразилия, Ҳиндистон, Покистон, Жанубий Африка Республикаси каби мамлакатлар уни ишлаб чиқариш қобилиятига эгадирлар. Аслида бундай давлатларнинг сони 3—4 марта кўпроқ бўлиши ҳам мумкин.

Собиқ совет жумҳуриятларининг мустақил давлатларга айлана бошлаётганликлари муносабати билан СССР ядровий қуролларининг тарқалиб кетиши хавфи ҳам пайдо бўлди. Бундай шароитда ядровий қуроллар устидан кафолатли назорат ўрнатиш қийин муаммодир. Энди даҳшатли ўлим воситасининг масъулиятсиз ёки руҳий носоғлом васвасларнинг қўлига тушиб қолишини бир тасаввур этиб кўрайлик-чи. Яхши сўз, инсофга чақириш билан ундай кишиларни адолат изига солиш мумкин эмаслигини Форс кўрфазидаги сўнгги тажовуз яққол кўрсатди.

Қисқаси, кўзачадан чиқиб кетган жинни ҳозирча қайтиб идишга қамаш мавҳум иш экан, уни мумкин қадар жиловлаб қўйиш ва ҳаттоки унинг куч-қувватидан эзгу мақсадларда фойдаланиш таклиф этиляпти. Имкониятларимизга яраша иш қиладиган бўлсак, олиму мутахассисларнинг гапларига албатта қулоқ солиш пайти келди.

Собир ҚУРБОНОВ.

Зоҳиджон ОБИДОВ

• Назм дафтаридан

ҲУЗУРИЖОНСАН

• Янги қўшиқлар

Мунча ҳузурижонсан, она юртим сабоси,
Мунчалар дилрабосан, кумуш тонглар сафоси.
Қараб кўз узолмайман, полман, сўз тузолмайман,
Афсункор водийларнинг хуш олганда жилоси.
Қушлар билан фазога ҳаволансам дер кўнгил,
Кўкни тўлдирса ҳар гал турналарнинг нидоси.
Тоғлар аро кезган он туйғумда ажиб бир ҳол,
Қоялардан отилса шалолалар шарроси.
Қайга боқсам минг олам завқу сафо гашти бор,
Сарҳуш этган фараҳли мен шу юрт мубталоси.
Зарра шикаст кўрсанг гар, жону жаҳоним қуйгай,
Дерман мусаффо бўлсин ўлкамнинг ер-самоси.
Не-не лат етказмади виждони ногиронлар,
Мен ҳам бўлолсам дерман дардларингнинг давоси.
Фарзандингман, она юрт, фарзимдир фидоийлик,
Сен деб адо бўлмас ҳеч Зоҳиджоннинг навоси.

АРМОНИМ ЙЎҚ

Сенга фарзанд эрканимдан, она юрт, армоним йўқ,
Сен деб кўксим керганимдан, она юрт, армоним йўқ.
Тарихдаги шон-шавкатинг пайҳон этмоқ бўлдилар,
Кимлигимни билганимдан, она юрт, армоним йўқ.
Юзланиб босқин, талонлар, ёғди ноҳақ таъналар,
Сен деб жангга кирганимдан, она юрт, армоним йўқ.
Ҳар кима ўз ўлкаси соз, менга сенсан беқиёс,
Қадринг достон қилганимдан, она юрт, армоним йўқ.
Дардинг—дардим, авжинг—бахтим, деган бир ўзбек бўлиб,
Бу дунёга келганимдан, она юрт, армоним йўқ.
Шавкатинг деб, мен Зоҳиджон барча элни дўст билиб,
Қўлни қўлга берганимдан, она юрт, армоним йўқ.

БЎЛУРМУ

Ўз ўтмишин қилиб хор,
Обрў топиб бўлурму,
Дилларга бериб озор,
Обрў топиб бўлурму.
Деб бу дам омадим бор,
Обрў топиб бўлурму.
Ноҳақ бўлиб совриндор
Обрў топиб бўлурму.
Кўкда юрса ҳам қуёш
Ҳар кеч бош эгар ерга,
Уфқ ўпар юлдузлар
Тонгда ой билан бирга.
Кибрланиб қадрингни
Елдай совурма елга,
Билки, бўлиб димоғдор
Обрў топиб бўлурму.
Қандай эзгу иш қилдинг
Келиб бу кенг жаҳонга,
Нафинг етдими баҳри
Эзилган бир инсонга!
Зоҳиджон дер ҳисса қўш
Равнақ кўзлаб давронга,
Лоқайд кун кўриб зиҳор
Обрў топиб бўлурму.

БОР ЭКАН БУНДОҚ

Ялтоқлар йўқ дедик, қадди —
дутолар бор экан бундоқ,
Кима мағрур, кима қадри
Адолар бор экан бундоқ.
Хушомад хуштори йўқ деб,
Мудом даъво қилур эрдик,
Ёқа ушланг, хушомадга
Адолар бор экан бундоқ.
Деб эрдик порахўр нетгай,
Булар бизларга ёт унсур,
Қарангки, феъли шум, нафси
Юҳолар бор экан бундоқ.
Амал деб тулкилик қилғон
Риёкор бизда йўқ дердик,
Учиб мансабга виждони
Адолар бор экан бундоқ.
Ҳатоларни этиб пиҳон
Яшашлик вой экан, дўстлар.
Келиб ошоралик оқил
Нидолар бор экан бундоқ.
Ҳақиқат бир қуёшдирким,
Булут ичра қолиб кетмас.
Зоҳиджон, куйла, дардларга
Даволар бор экан бундоқ.

Э М А С

Кўпга терс юрганни эл-юрт
Оқилу доно демас,
Уйламасдан сўйлаганлар
Лафзи пурмаъно эмас.
Эзгу ишга қўшди ким бош,
Топгуси файзу камол.
Оқибатсиз оқибат хор,
Ҳеч киши ошно демас.
Ким фидокор эрса топди
Жонига жондошларин,
Феъли дарё тортадир дил,
Ҳеч қачон танҳо эмас.
Лойиқи эъзоз бўлурму
Эл аро нотантилар,
Танти бўл, нотантилардан
Яхшилик пайдо эмас.
Кўзни тўқ тут гар ҳаловат
Истасанг оламда сен.
Умри осойиш кечар молмулкка ким шайдо эмас.
Кўнгли поклар даврасидан
Олди Зоҳиджон сабоқ,
Шул сабабдан эзгуликдан
Куйлаши бежо эмас.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

«УРАЛ МОЛ-ХОМ АШЕ ЖАМҒАРМАЛАР БИРЖАСИ» БРОКЕРЛИК ИДОРАСИ ҲАР ИККИ ТОМОН УЧУН ФОЙДАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ЕДИНГИЗДА БЎЛСИН! Урал — СССРнинг омборхонасидир. Бизнинг мижозимиз бўлсангиз ана шу бой саноат минтақаси билан яқиндан танишасиз.

«Урал мол-хом ашё жамғармалар биржаси» брокерлик идораси маҳсулот олди-сотдиси ва қуйидаги жабҳалар бўйича

БАРТЕРЛИК БИТИМЛАРИГА

БУЮРТМАЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

— ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВОСИТАЛАРИ;
— УСКУНАЛАР;
— ХОМ АШЁ, МАТЕРИАЛЛАР, ЯРИМ ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР;
— САНОАТ МОЛЛАРИ;
— ДЕҲҚОНЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ;

Нархлар ўзгариб туради. Ҳар икки томон учун фойдали шартлар. Таклифларингизни минтақадаги вакилимизнинг таклифлари сифатида кўриб чиқамиз.

Қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилинг: 700042, Тошкент шаҳри, Уйғур кўчаси, 314.

Телефонлар: 46-71-86, 42-33-54, 29-14-86;
Соат 19 дан 24 гача: 65-85-63, 50-31-55.
«ЭРГО» кичик корхонаси.

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг «РЕСУРС» ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ БОШҚАРМАСИ нақд пулсиз ҳисоб-китоб йўли билан СОВЕТ СУМЛАРИГА

ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТАДИ

«Канон» фирмасида ишлаб чиқарилган нусха кўпайтириш техникаси учун ТОНЕРЛАР (МП 210; 270; 300; 400; 500 маркали);
дастурли бошқариладиган «Панасоник» КХТ24-60. «АВТОЛОГИК» ТЕЛЕФОН АППАРАТЛАРИ.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Акмал Икромов райони, 22-мавзе, 13-уй.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 74-63-00, 74-71-12, 74-64-74, 74-89-04.

«РЕСУРС» ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ БОШҚАРМАСИ.

«Союзреклама» акционерлик жамиятининг «Сарбон» Ўзбекистон реклама агентлиги.

• АХБОРОТ

ҚУРИҚ КОНСЕРВАЛАРИ

● ҚУРИҚ Нишон райони қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва уни сақлаш савдо корхонасига қарашли консерва заводи энди тўла қувват билан ишлай бошлади. Корхона сменада 12 минг шартли банка консерва тайёрлаш қувватига эга. Келгуси йили бу ерда помидор шарбатини олиш цехи ҳам ишга туширилиб, соатига 4200 литр шарбат тайёрлайдиган бўлади.

Айни пайтда завод қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан ўн хилдан кўпроқ консерва тайёрлаётир. Олма, ўрик, олхўри каби ширин-шарбат мева-мурабболари дастурхонга кўрк бағишлайди.

— Корхона қурилиш-монтаж ишларига 250 минг сўм сарфланди холос, — дейди «Райкоопзаготторг» раиси Ҳ. Ашуров. — Бу қисқа вақтда ўз-ўзини қоплади. Шу кунгача 700 минг дона шартли банка консерва тайёрлаб, савдо корхоналарига жўнатилди. Лекин идишлар етишмайди. Айниқса банка ва унинг қопқоғи етарли эмас.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

«АНДИЖОННОМА»

● «КОММУНИСТ» рўзномаси етмиш йил Андижон вилояти билан ҳамнафас, ҳамдард, ҳамкор бўлиб келди. У 1921 йилда «Қизил қўшчи ва деҳқон» номи билан чиққан бўлса, 1923 йилда «Дархон»га айланди. 1930 йилда рўзнома «Пахта фронти» номини олди. 1938 йилдан бошлаб эса «Коммунист» деб аталди. Бу — давр талаби, вилоятда юз берган сиёсий ижтимоий-иқтисодий, маданий ўзгаришлар тақозоси эди.

Шу йилнинг сентябрь ойида «Коммунист» рўзномасининг номи ўзгартирилиб, унга «Андижоннома» номи берилди. У вилоят ижтимоий-сиёсий рўзномаси сифатида чиқа бошлади.

«Андижоннома» таҳририяти ва ижодий жамоаси янги номга яраша рўзнома мундарижаси ва мазмунига ҳозирги кун руҳини сингдириш, уни чинакам халқ минбарига айлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

● ҚИЗИҚ ГАПЛАР

ОЗИШ ЙЎЛИ

Шимолий Каролина штати (АҚШ) университетининг биолог олими Шифман семизликни йўқотиш учун «ҳаво» ютиб, курашиш усулини тавсия қилади. Унинг фикрича шоколад, пирожний ёки дудланган гўшт ва барча тансиқ таомлар мазасини бера оладиган хушбўй аэрозол билан қаноатланган маъқул. Чунки, аэрозол пуркагичдан бир неча маротаба тилга сепилса, киши худди хушбўй овқат егандек бўладию, лекин организм бир калория ҳам озиқ ололмайди.

БЕНЗИНДАГИ ҚЎРҒОШИН

Кейинги пайтларда америкалик олимлар қўрғошиннинг киши саломатлигига, асосан болаларга зарарли таъсир қилаётганлигидан ташвишланмоқдалар. Бунинг учун атроф-муҳитни муҳофаза қилиш агентлиги билан бирга яқин вақт ичида қўрғошиннинг бензиндаги миқдорини 91 фоизга камайтиришни, тўқсонинчи йил ўрталарига бориб эса бутунлай қўрғошинсиз бензин ишлаб чиқаришни таклиф этишмоқда. Гап шундаки, двигатель ичидаги бензин ўт олдирилганда 80 процент қўрғошин ҳавога тарқалади. Олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, қўрғошиннинг ҳаво таркибидаги озгина қисми ҳам болаларнинг ақлий ривожланишига салбий таъсир этиши мумкин.

МУШУКДА ЭЛЕКТР ҚУВВАТИ

Мушук жуни электрга ўта тўйинган бўлиб, уни силаганда қўлдан учқун дасталари учиб чиқишини кузатиш мумкин. Шунга қарамай, бу жонли электр марказининг қуввати жуда паст.

Англиялик олимлар 15 ваттли битта лампочканинг ёнишини таъминлаш учун 150 миллион мушукни баравар силаш кераклигини ҳисоблаб чиқишди.

СУРАТДА: Тошкентдаги махсус конструкторлик бюросида тайёрланган «Дукант-100» инкубатори.
С. ВЕЛИЧКИН олган сурат (ЎзТАГ).

«ТЕЗКОР» ЁРДАМГА КЕЛДИ

Наманган шаҳрида тураржой бинолари ва иншоотларни қиш мавсумига тайёрлаш қизғин боряпти. Айниқса, бундай тадбирлар тўқимачилар шаҳарчасида тез ва соз амалга оширилмоқда.

— Бизга «Тезкор» ширкатининг яқиндан ёрдам бериши жуда қўл келяпти, — дейди тўқимачилар шаҳарчаси уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси бош муҳандиси А. Қўлдошев. — Улар барча бинолардаги иссиқ ва совуқ сув қувурларини, буғ йўлларини алмаштириб чиқишяпти.

Т. СУЛАЙМОНОВ,
Наманган вилояти.

• НУҚТАИ НАЗАР •

ИМОН-ЭЪТИҚОД НУРИ

МУСТАҚИЛЛИКНИ АҲИЛ БЎЛИБ САҚЛАБ ҚОЛАЙЛИК

Республикамиз мустақиллигини сақлаб қолиш, мустаҳкамлаш, уни ростга чиқариш — бутун халқимизнинг, ўлкамизда истиқомат қилувчи барча миллатларнинг бир тан, бир жон бўлиб меҳнат қилишларига, ҳар қачонгидан ҳам якдил, ҳамкор ва ҳамжиҳат яшашларига боғлиқдир.

Ҳозир жиддий сиёсий ва иқтисодий вазифалар ҳал этилаётган бир дамда имон, эътиқод нури йўлимизни ёритиб, эзгулик йўлидаги ишларимизнинг ривож топиши муддаомиздир. Юртимиз олдида турган оғир, мураккаб вазифаларни ҳал этишда диндорлар орасида ортиб бораётган фаоллик эътиборга лойиқдир. Халқ манфаатлари ҳурмати улар ҳам бирдамлик, ҳамжиҳатлик, аҳиллик мавқеида яна ҳам собит туришга бурчлидирлар, деб ўйлаймиз. Бунда Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни уларни ҳар жиҳатдан муҳофаза этади, эркин ҳаракат қилишларига тўла имконият яратиб беради, фаолиятларини самарали ҳам фойдали, савобли бўлишини таъминлайди.

Кейинги пайтларда давлатнинг диндорлар ва диний ташкилотларга бўлган муносабатлари мусбат томонга ўзгариб бормоқда. Қанчаданқанча тарихий обидалар диндорлар, диний ташкилотлар ихтиёрига қайтарилди. Янги масжидлар очилди. Қурбон ҳайити, Рўза ҳайити байрам деб эълон қилинди. Республикамиздан Маккага зиёратга борувчи мусулмонларга анча қулайликлар яратилди. 1991 йилда 1200 киши ана шу зиёратга бориб, эзгу-ниятларига етишди. Қуръони карим ўзбек тилида чоп этилмоқда. Муқаддас Ҳадис китоблари халққа етказилмоқда. Мазкур савоб ишлар республикамиз Президенти И. Каримов олиб бораётган халқчил сиёсат туфайли эканини ҳеч ким инкор этолмайди. Булар — кўпдан ушалмай келаётган армонларнинг ушалаётгани далилидир.

Бугун биз аҳиллик, биродарликка алоҳида урғу бериб гапиряпмиз. Зеро, бу инсоний юксак фазилатлар мустақилликни сақлаб қолиш, барқарор этишнинг ҳал этувчи омилларидандир. Доно халқимиз ўгитларида бўлинганни бўри ер, деб бежиз айтилмаган.

Сир эмас, диндорлар ичида ҳам ҳар хил фикрли, ҳар хил ҳаракатга ундовчи гуруҳлар ҳам учраб туради. Буни инкор этиб бўлмайди. Бинобарин қарама-қарши фикрлар, мавжуд муаммолар улғайиб кетмаслиги, дарҳол кенгашиб, маслаҳатлашиб, аҳиллик асосида бартараф этилиши даркор. Демоқчимизки, айрим тушунмовчиликлар, халқ манфаатлари нуқтаи назаридан пухта ўйланмаган ҳатти-ҳаракатлар, тарафкашликлар мустақиллигимизга зиён-заҳмат етказиши мумкинлигини эсдан чиқармаслик лозим.

Бу кунги муаммолар тўла вазиятда диндорлар, диний ташкилотлар қилаётган ижобий ишларни кўриб, қувонаяпмиз. Уларнинг одамларни ўзаро меҳр-оқибатли, ҳамкор, ҳамжиҳат бўлишга чақираётганликлари, турли-туман ғайрия ва маданий-маърифий тадбирлар ўтказаётганликлари, савобли ишларга, инсонпарвар, виждонли, ҳалол ва покиза бўлишга, бировнинг ҳаққига ҳиёнат қилмаслик, қинғир ишлардан тийилишга даъватлари айни муддаодир. Бу ишлар халқимизга манзур бўляпти. Оммавий ахборот воситаларида, тўй ва маъракаларда ўтаётган суҳбатларда исрофгарчилик ва уволдан қўрқиш, порахўрлик ва ичкиликбозликдан фориғ бўлиш, ўзганинг ҳақига ҳиёнат қилмаслик, нафсни деб виждон ва диёнатга терс иш тутмаслик, каттага ҳурмат, кичикка шафқат, оилапарварлик ва ота-онага меҳрибонлик хусусларидаги даъватлар кони фойда. Бундай маърифий-маданий ишлар янада кенг йўлга қўйилса, мазмунан теранлашса, унга ҳурматли дин пешволари, уламолар, маҳаллаларнинг обрўли оқсоқоллари, олимлар янада кенг жалб этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Уларнинг илмга асосланган чуқур фикр-мулоҳазалари, бой ҳаётий тажрибаларидан халқимизни, ёш авлодни баҳраманд этиш зарур ва айни савобли ишдир. Ёшлар анъаналаримизни, тарихимизни, қадриятларимизни чуқур билишлари даркор. Токи етмиш йил ичида хулқ-атворимизда, қарашларимизда шаклланган салбий жиҳатлардан фориғ бўлайлик.

Шу билан бирга, айрим диндорларнинг илмий, сиёсий нокомилликлари, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунни чуқур билмасликлари, айни вақтда мустақиллигимизни, халқимиз истиқлолини ҳазм қилолмаётган кимсаларнинг ғаразли ниятлари оқибатида ислом давлатини ташкил қилиш, ислом партиясини тузиш ва бошқа Қонунга, ҳаётимизга тўғри келмайдиган чақириқлар қулоққа чалинмоқда. Ваҳоланки, ўзбек халқининг кўҳна тарихида ҳеч қачон ислом давлати бўлмаган. Юқорида тилга олганимиз Қонуннинг 5-моддасида шундай дейилган: «Ўзбекистон Республикасида динлар ва диний ташкилотлар давлатдан ажратилгандир...

Давлат диний ташкилотлар зиммасига давлатнинг қандайдир вазифаларини бажаришни юкламайди... Диний ташкилотлар давлат вазифаларини бажармайди». Ўз вақтида муфтий ҳазратлари Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳам ислом партияси тузиш ҳақидаги фикрга расмий равишда қўшила олмасликларини билдирганликларини ҳам эслатиб ўтиш жоиздир.

Республикамиз фуқароларининг, жумладан диндорларнинг Тожикистонда бўлаётган воқеалардан хабарлари бор. У ерда ҳам айрим диндорлар ислом давлатини тузиш хусусида гапиришган. Шу муносабат билан «Комсомольская правда» рўзномасининг шу йил 4 октябрь сонида босилган «Майли ислом Тожикистони тўғрисида гапираверсинлар. Аммо қози қарши» сарлавҳали суҳбатдан қози домла Ҳожи Акбар Тўражонзода сўзларини келтиришни ўринли деб ўйлаймиз. Ул муҳтарам зот ўттиз етти ёшда, 6 фарзанд отаси, Тошкент ислом институти ва Иордания ислом дорилфунунини хатм этганлар. Мана, у киши нима дейдилар: «Менинг ақидам демократик дунёвий давлатдир, унда дин давлатдан ажратилган бўлади... XX асрда ислом давлатини тузиш — республикани яккаланиб қолишга маҳкум этиш демакдир. Бу эркин дунё билан рисоладаги муносабатларнинг ривожланишига ҳалақит беради». Бундан ташқари қози-домла яна бир жиҳатни ҳисобга олиш керакligини уқтиради. Яъни ҳозирги «Ёшларда либералистик қарашлар шаклланган. Агарда бизнинг республикамизда кимдир ислом давлатини қуришни хоҳлар экан, амалда унинг имконияти йўқдир». Ҳурматли қозидомланинг юқорида келтирилган фикрларини биздаги айрим диндорлар ҳам мушоҳада қилиб, ундан тўғри хулосалар чиқаришлари адолатдандир. Улар ўз фаолликларида мавжуд Қонунга қатъий риоя этсалар ўринли бўларди.

Жумҳуриятимиз раҳбарияти, тегишли давлат муассасалари диндорлар билан давлат ўртасидаги муносабатларни яхшилашга муттасил ҳаракат қилаверадилар. Бунда ҳамма, шу жумладан диндорлар ҳам қатъий амал қиладиган Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунига асосланади Шу Қонунга мувофиқ фуқароларнинг динга ёки шунга мос эътиқодга ўз муносабатини белгилаш ва ифодалаш ҳамда ҳеч қандай қаршиликсиз динга эътиқод қилиш ва диний расм-русумларни бажариш ҳуқуқлари таъминланади. Шу билан бирга, диний ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатлар тартибли бўлиши вожибдир. Давлат турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар ўртасида, турли эътиқоддаги диний ташкилотлар ўртасида ўзаро муроса ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашади. Айни вақтда диний мутаассиблик ва виждон эркинлигига хилоф экстремизмга, муносабатларни қарама-қарши қўйиш ва кескинлаштиришга, турли оқимлар ва мазҳаблар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўйилмайди.

Республика Президенти халқ турмушини яхшилашга қаратилган қатор фармонларни чиқарди. Шу фармонларнинг бажарилиши устидан кундалик қаттиқ назоратни халқ, халқ депутатлари ўз қўлларига олишлари керак, Ўша фармонлар ўринлашига панжа орасидан қараётган, бу ишга лоқайд, ўзибўларчилик муносабатида бўлаётган мутасадди кишиларни тинч қўймаслик, жамоатчилик ўртасида муҳокама қилиш лозим. Бу диндорлар ҳам куч-ғайрат сарфлаши лозим бўлган муҳим жабҳа ва савобли юмушдир.

Бугун энг асосий вазифаларимиздан бири халқимиз бошига қўнган бахт қуши — мустақилликни сақлаб қолишдир. Бунга эса фақат, ва фақат республика халқининг бирдамлиги, якдиллиги, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиши асосида эришиш мумкин. Бинобарин, яхши саъйи ҳаракатларга бош бўлаётган, мустақилликни барқарор қилиш йўлларини ахтараётган раҳбариятимизни, Президентни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз керак.

Муборак Ҳадислардаги мана бу сўзлар ҳам бежиз айтилмаган: Эй, мўминлар! Оллоҳга, унинг Расулига ва ўз раҳбарларингизга итоат қилингизлар. Бу ерда раҳбарингизни ҳурмат қилинг, қўллаб-қувватланг, халқпарвар, адолатли фармойишларини, йўл-йўриқларини бажаринг, деган маъно мужассамлашган. Республикамизда кўпчилик шу йўналишдан бормоқда. Иншоолоҳ, бу йўналиш мустақиллигимиз йўлида аҳиллигимизни янада мустаҳкамлайди.

А. ҲАСАНОВ,
тарих фанлари номзоди.

СПОРТ

ДАҲЛСИЗ ДАРВОЗАЛАР

● ФУТБОЛ бўйича СССР терма жамоаси Европа чемпионати саралаш учрашувларини муваффақиятли давом эттирмоқда. Футболчиларимиз навбатдаги учрашувда Италия жамоасини қабул қилишди. Мухлисларда яхши таассурот қолдирган бу учрашувда дарвозалар даҳлсизлиги таъминланди. Ҳисоб очилмади. Ўйингоҳдаги электротабло ўйин охиригача 0:0 ҳисоби ўзгармади. Шундай қилиб, футболчиларимиз финал учрашувларига бериладиган йўланмани деярли нақд қилиб қўйишди. Улар ҳисобида тўрт ғалаба, 3 та дуранг бўлиб, 11 очко билан пешқадамлик қилишмоқда. Италия, Норвегия ва Венгрия футбол жамоаларида 7 тадан очко бор. Мазкур гуруҳдаги бешинчи иштирокчи — Кипр футбол жамоаси ҳозирча биронта ҳам очко ололгани йўқ. Футболчиларимиз якунловчи учрашувни 13 ноябрь куни Кипр майдонида ўтказишади.

ТАКРОРИЙ ЎЙИНДА

● БИРИНЧИ ЛИГА футбол жамоалари ўртасида навбатдаги учрашувлар ўтказилди. Маълумки, Фарғона водийси футбол жамоалари сафар учрашувларини муваффақиятли бошлашган эди. Фарғонанинг «Нефтяник», Наманганнинг «Навбаҳор» футболчилари ўз ҳисобларига биттадан очко қўшиб, мавқеларини яхшилаб олишганди. Такрорий ўйинда эса имконият бой берилди. Чунончи навбаҳорчилар «Тилигул» майдонида ютқазиб (1:4) қўйишди.

Тўп учун кураш.
Суратка ш В. МИЛЕНЬКИЙ этюди. (ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ФУҚАРОЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент атрофида Тошкент—Келес—Далагузар — Ўртаовул — Тошкент йўналиши бўйича ва тескари йўналишда электр поездлари қатнай бошлади.

Барча электр поездлари ҳаракат жадвали вокзал ва станцияларга осилган.

Ўрта Осиё темир йўли «Тошкент пассажир» станцияси.

ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

Москва шаҳрида соат милларининг 1 соат орқага сурилиши муносабати билан Москва вақти билан маҳаллий вақт ўртасидаги фарқ Ўрта Осиё жумҳуриятида 3 соатни ташкил этади.

Шу сабабли «Тошкент» станциясидан поездларнинг жўнаш вақти ҳам ўзгарди, яъни улар маҳаллий вақт билан 1 соат кеч жўнайдиган бўлади.

Ўрта Осиё темир йўлининг «Тошкент-пассажир» станцияси.

Ўзбекистон Республикаси фанлар академиясининг ЗООЛОГИЯ ВА ПАРАЗИТОЛОГИЯ ИЛМГОҲИ

умуртқалилар зоологияси (3), умуртқасизлар зоологияси ихтисослари бўйича кундузги аспирантурага ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

19 октябргача қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, А. Ниёзов кўчаси, 1-уй.

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР МАРКАЗИ

Чет элда ишлаб чиқарилган герметик равишда тайёрланган, ҳар бир бочкаси 50 кг.ли

Карбитни СОТУВГА ЧИҚАРАДИ.

Эркин алмаштириладиган валютада ҳақ тўланади.

2110 бабинага ўралган **соф мовут калаваси** шартнома баҳосида

СОТИЛАДИ

Тошкент шаҳри, «Намойишлар ҳиёбони» кўчаси, 5-уйга мурожаат этилсин.

Телефон: 39-16-55.

«Саодат» ойномаси жамоаси бўлим мудири С. Ашуровга акаси

Нажибек АШУРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Молия олий билимгоҳи жамоаси шу олий билимгоҳ проректори, профессор Ф. Ш. Каримовга акаси

Аҳмаджон КАРИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон республикаси Маданият вазирлиги жамоаси Жиззах вилояти маданият бошқармаси бошлиғи А. Абдулатиповга отаси

Абдулатиф МИРЗАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бутуниттифоқ Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот илмгоҳи жамоаси илмгоҳ илмий ходими

Туронхўжа МАҲМУДХУЖАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Ургончда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАРИНИНГ ЖАМОАСИ

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 6121.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди—21.00
№ 200

● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП. Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматда босилади. ●